



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIVOLILARI GAZETASI *

1931-yildan chiqa boshlagan

2003-yil 23-aprel, chorshanba

№ 32 (7537)

Da'vat
Hayraxohlik deb nima ila bo'lsa bo'lsin bir-birimizga foyda yetkurmakni aytilur.
Abdulla AVLONIY

Ibrat
Boysun tumanida ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi qo'mitasi «Obod mahalla yili»ga bag'ishlab «Eng obod va ko'rkam maktab hamda bog'cha hovlisi» ko'rik-tanlovini o'tkazmoqda. G'olib 1 oktyabrda e'lon qilinadi hamda yuz ming so'mlik sovg'a bilan taqdirlanadi.

ЎЗБЕКISTON — РУМИНИЯ:

ҲАМФИКРЛИК ВА ХАЙРИХОҲЛИК - ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Тошкент. (ЎзА мухбири Бобур Собиров). Руминия Президенти Ион Илиеску 21 апрель кuni расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Тошкент аэропортида юксак мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Ўзбекистон Руминия билан 1995 йил октябрида расмий дипломатия муносабатлари ўрнатган. Халқларимизнинг иқтисодий-сиёсий, маданий алоқалари тарихи узок.

Мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов 1996 йил июнда бу давлатга расмий ташриф билан борган. Ушанда икки давлатнинг келажақдаги ҳамкорлиги соҳаларини белгилаб берган қатор ҳужжатлар имзоланган. Ўтган йиллар мобайнида бу ҳужжатлар Ўзбекистон — Руминия ҳамкорлигини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Айни пайтда мамлакатларимиз пахта-ни қайта ишлаш, тўқимачилик, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, дори-дармон, нефть ва газ саноати соҳаларида кенг қамровли алоқаларни йўлга қўйган. Бундан ташқари, Ўзбекистон — Руминия ҳўкуматлараро иқтисодий кенгаши ўзаро иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, ишбилармонлар ўртасида бевосита мулоқотни йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ион Илиеску Руминия Президенти лавозимига илк бор 1990 йилда сайланган. 1996 йили у Социал-демократик партиядан сенатор бўлган. 2000 йил декабрида эса Руминия халқи уни иккинчи марта Президентликка сайлади.

Ион Илиескунинг мазкур ташрифи ҳамкорлик истиқболлари, алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган соҳаларни белгилаб олиш ва умуман Ўзбекистон — Руминия ҳамкорлигини янги босқичга қўтариш учун хизмат қилиши шубҳасиз.



(Давоми 2-бетда)

Руминия Президенти Ион Илиеску расмий ташриф билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди.

22 апрель кuni «Дўрмон» қароргоҳида расмий кутиб олиш маросимидан кейин Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов Руминия раҳбари билан яқма-яқма суҳбатлашди. Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ҳозирги аҳоли ва истиқболли, халқаро муаммолар ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди. Президентлар икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш, халқаро миқёсдаги долларб муаммолар юзасидан фикрлашар экан, Ўзбекистон ва Руминиянинг қарашлари ва муносабатлари яқин эканлигини таъкидлади.

Ўзбекистон раҳбарияти Руминияда ке- чаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнларни катта қизиқиш билан кузатиб боради. Руминиянинг Европа ҳамжа- мияти ва Евро-Атлантика тузилмасига

интеграциялашиш йўлидаги саёй-хара- катларини юқори баҳолайди ва унинг бу борадаги ютуқлари икки томонлама ҳам- корлик ривожини учун янги имкониятлар очилишига қатъий ишонч билан қарайди.

Ўз навбатида, Руминия Ўзбекистоннинг жаҳон сиёсат майдонидаги фаол харакат- ларини ва халқаро аксилтеррор коали- циясига кўрсатаётган ёрдамини юксак қадрлайди.

Икки мамлакат раҳбарийи ҳам БМТ, ЕХТ, НАТО каби халқаро ташкилотлар до- ирасида халқаро террорчилик, диний экстремизм, уюшган жиноятчилик, курол- ярғо ва наркотик моддалар контрабанда- си, миллий, минтақавий ва дунёвий хавфсизликка таҳдид соладиган бошқа хавф-хатарларга қарши биргаликда кура- шиш лозим, деган фикрни ёқлайди.

Хозирги кунда долларб бўлиб турган Ироқ масаласида ҳам томонларнинг қарашлари бир хил. Ўзбекистон ва Руми- ния раҳбарлари ушбу мамлакатдаги мо- жаро тезроқ ҳал этилишининг тарафдо-

ри эканликларини таъкидлар экан, АҚШ раҳбарлигидаги халқаро коалициянинг Ироқни куролсизлантириш йўлидаги сиё- сатини қўллаб-қувватлашини маълум қилди.

Президентлар ўзаро муносабатларни муҳокама қилиб, савдо-иқтисодий соҳада- ги ҳамкорликнинг бугунги ҳолатидан қониқиб бўлмаслигини таъкидлади. Тур- ли объектив ва субъектив сабабларга кўра, айни пайтда ўзаро савдо, сармо- окимининг ҳажми нисбатан паст даража- га тушиб қолган. Шу муносабат билан, Президент Ислон Каримов Руминия раҳ- барининг ташрифини ўзаро сиёсий, иж- тимоий, маданий ва иқтисодий алоқалар кўламини кенгайтиришга интилиш белги- си сифатида баҳолар экан, мамлакатла- римизда ҳамкорликнинг ишга солинмаган имкониятлари захираси катта эканлиги- ни қайд этди.

Ўзбекистон ва Руминия расмий деле- гацияларининг кенгайтирилган таркибда- ги музокарасида ҳам иқтисодий масала-

ларга алоҳида эътибор қаратилди. Прези- дент Ислон Каримов Ўзбекистон Румини- яга кимё, нефть кимёси, тўқимачилик сано- ати маҳсулотлари, қурилиш материалла- ри, минерал ўғитлар экспорт қилиши, у ердан эса мебелсозликнинг, мрамар ва гранитга ишлов бериш саноатининг си- фатли, синалган ва айни вақтда нисбатан арзон технологиялари, чарм маҳсулотлар, пойфазал келтириши мумкинлигини айт- ди. Булар қаторида қишлоқ ҳўжалиги маҳ- сулотларини қайта ишлаш каби тармоқ- лар бўйича қўшма корхоналар тузиш, сар- моявий лойиҳаларда биргаликда қатна- шиш, сайёҳлик соҳасидаги ва банклар- аро ҳамкорликни ривожлантириш тақли- флари илгари сурилди. Масалан, Ўзбеки- стон ва Руминия банклари ўртасида вакил- лик муносабатлари ўрнатилган, лекин амалда жуда кам операция бажарилади.

Ислон Каримов транспорт коммуника- цияси масаласига доим алоҳида эъти- бор билан қараб келади. Зеро, бу соҳа

ТАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАТАНДА:

**ИККИ ПАЛАТАЛИ
ПАРЛАМЕНТ САРИ**

2-бет

**ТИЛ ТАЪЛИМИДА
МИЛЛИЙ
ИСТИҚЛОЛ ФОЯСИ**

3-бет

**ШАҲАР
НОМЛАРИНИ
ҚАНДАЙ ҲАРФЛАР
БИЛАН ЁЗАМИЗ?**

4-бет

**КИТОБ-ҲАЙРАТ
ДУНЁСИ**

5-бет

**ТАЛАБА МАКТАБДА
ИШЛАЙ
ОЛАДИМИ?**

6-бет

**КАРИМНИНГ
ТОНГИ**

(Hikoya)

8-бет

**SO'NGGI
UCH KUN
MUJ DALARI**

QAROR
O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining «Xususiy lashtirilgan korxonalarini korporativ boshqarishni takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi qarori qabul qilindi.

OLIY MAJLISDA
Oliy Majlisda shu yilning 24-aprel kuni ochiladigan ikkinchi chaqiriq O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining o'n birinchi sessiyasiga tayyorgarlik ko'rish va uni o'tkazish bo'yicha deputatlar ishchi guruhining yakunlovchi yig'ilishi bo'lib o'tdi.

TOSHKENTDA "TINCHLIK QO'NG'IROG'I" MAJMU'I
Mamlakatimiz rahbariyati hamda Yaponiyaning «Tinchlik qo'ng'irog'i» tashkiloti tashabbusi bilan Hamdo'stlik davlatlari orasida birinchi bo'lib urush degan mudhish fojihadan bashariyatni doimo ogoh etish maqsadida Kunchiqar mamlakatning bir qancha shaharlarida hamda Avstraliya, Germaniya, Kanada, Turkiya, Braziliya, Polsha kabi ko'plab shaharlarda o'rnatilgan Tinchlik bonglari poytaxtimizning Bobur nomidagi madaniyat va istirohat bog'ida ochilgan «Tinchlik qo'ng'irog'i» majmuiga qo'yildi.

КЎРИК-ТАНЛОВ ФОЛИБЛАРИ

Ўзбекистон Бағдий академиясининг кўргазмалар залида «Отаҳон ва онахонлар набиралари нигоҳида» ва Ер кунига бағишланган «Инсон ва ер» кўргазмалари очилди.
— Ўтган йили «Қарияларни қадрлаш йили» давлат дастури доирасида расмлар кўрик-танлови эълон қилинган эди, — деди санъатшунос Лариса Қоджаева «Туркистон-пресс» мухбирига. — Танловни ўтказишдан асосий мақсад — ўсиб келаётган ёш авлодни катталарни ҳўрмат қилиш, атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш, тарихимиз, миллий аёнана ва қадриятларимизни эъозлаш руҳида тарбиялаш- дир. Кўрик-танлов боғча ва мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилди. Асосий босқичга икки юздан зиёд расмлар ке- либ тушди. Уларда болаларнинг тарихимиз ва миллий қадр- ятларимиз ҳақидаги билимлари, қарияларни эъозлаш бо- расидаги тушунчалари, бобо ва бувилар билан биргаликда яратилган боғ ва гулзорлар каби мавзулар ўз аксини топ- ган.
Мактабгача таълим муассасалари бўйича Тошкент шаҳ- ридagi 547-сонли болалар боғчаси тарбияланувчиси Акбар Қорабоев, мактаблар бўйича Қарши шаҳридаги 39-мактаб ўқувчиси Акмал Бозоров, Гулистон шаҳридаги «Қувонч» боғ- ча-мактаб мажмуининг ўқувчиси Муҳиддин Рисқиев ҳамда Фарғона шаҳридаги 32-мактаб ўқувчиси Оғина Мирзақари- мовалар кўрик-танлов фoлиблари, деб топилди.

«Туркистон-пресс»

O'qituvchi
yon
daftariga

QURILISH UCHUN YELIM
Gollandiyalik muta-xassislar ishlab chiqargan yangi yelim turi g'ishtlar oralig'iga atigi 2 millimetr surkalsa kifoya, g'ishtlar mustahkam tarzda bir-biriga yopishib qoladi. Yangi mahsulot sementga qaraganda o'zining ko'pgina afzalliklariga egaligi tufayli quruvchilarga ma'qul bo'lmoqda!

KOMPYUTER TARJIMA QILADI
Yaponiyaning «Nixon Denki» elektron konserni tomonidan ishlab chiqarila boshlangan yangi rusumdagi kompyuterlar tarjimonlik qobiliyatiga ega. U yapon- cha so'zlarni bir zumda sinxron usulda inglizchaga yohud inglizchadan yapon- chaga tarjima qilib beradi.

ENG ULKAN MEHMONXONA
«Em-dji-em» mehmon-xonasi ayni paytda dunyodagi eng ulkan mehmonxona hisoblanadi. Nevada shtati (AQSH) Las-Vegas shahrida joylashgan to'rtta 30 qavatli binodan tashkil topgan, 45,3 gektar maydonni egallagan mazkur majmua kichik shaharchani eslatadi.

ЎЗБЕКИСТОН-РУМИНИЯ:

ҲАМФИКРЛИК ВА ХАЙРИХОҲЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

савдо-иқтисодий алоқаларга кучли таъсир кўрсатувчи омиллардан биридир. Руминия мисолида Констанца бандаргоҳи бунга яққол мисол бўла олади. Ўзбекистон товарларини Европа мамлакатларига етказиш ва у ердан маҳсулот келтиришнинг энг яқин йўли шу ердан ўтади. Лекин, очик айтганда, тарифлар мувофиқлаштирилмагани боис ундан фойдаланишда яқин ҳамкорлик қилинапти, деб бўлмайди. Ислон Каримовнинг айтишича, Констанцада 1 тонна пахта ниюк, тушириш, сақлаш ва ташиш хизмати 117 АҚШ доллари тенг. Украинанинг Ильичёвск бандаргоҳида эса айни шундай хизмат учун 72 доллар тўланади. Шу муносабат билан Президентлар Ўзбекистон-Руминия ҳукуматларига иқтисодий кенгаши ҳамда савдо, молия, транспорт соҳаси муассасаларига ва масалани имкон қадар тез ҳал қилиш топширигини берди. Иқтисодий мавзуда сўз кетганда, Ўзбекистон ва Руминияни яна бир муҳим жиҳат бир-бирига яқинлаштиришини таъкидлаб ўтиш жоиз. Европа тикланиш ва тараққи-

ёт банки Бошқарувчилар кенгашининг аввалги мажлиси Бухарестда ўтган эди. Бу йил анжуманга Тошкент мезбонлик қилади. Ўзбекистон делегацияси Бухарест анжуманида фаол қатнашган, Руминия ҳукумати эса галдаги мажлис Тошкентда ўтказилишини ёқлаган эди. Икки мамлакат бундай тадбирга ҳозирлик кўриш борасида биргаликда тажриба ортирди. Руминия томони ЕТБнинг бу йилги мажлисига ҳукумат ва ишбилармон доиралар вакилларидан нуфузли делегация жўнатишини маълум қилди. Ион Илиеску Ўзбекистон Президентининг таклифларини тўла қўллаб-қувватлашни айтди, икки мамлакат қарийб бир вақтда бир хил ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазиятга тўқнаш келгани, деярли бир хил жараёнларни бошдан кечирганини таъкидлади. Демак, бир-бирининг тажрибасини ўрганиш баробарида, ўзаро ҳамкорлик орқали тараққиётга қўмақлашиш ва ислохотларни қўллаб-қувватлаш ҳам мумкин. Шу нуқтага назардан, Руминия раҳбарининг фикрича, Ўзбекистон Жанубий Европанинг

марказий давлати бўлмиш Руминияда элчиона очса, бу алоқалар кенгайтиши учун янги имкониятлар яратар эди. Бевосита иқтисодий ҳамкорликка келганда, ишлаб чиқариш кооперацияси ҳозирги куннинг долзарб талабларидан бири эканлигини таъкидлаш жоиз. Биргаликда маҳсулот ишлаб чиқариб, фақат миллий эҳтиёжини қондириш билан чекланмай, бошқа мамлакатларга сотиш икки томонлама фойдали бўлур эди. Руминия Президенти ҳукуматларо кенгашининг галдаги мажлисини Бухарестда ўтказиш таклифини айтди. Унда давлатларимиз раҳбарлари мулоқотда қайд этилган ҳар бир масала мутахассислар томонидан бафуржа кўриб чиқилди ва ўз ечимини топади. Шунингдек, илм-фан ва таълим соҳалари вакилларининг алоқаларини жонлантириш, жумладан, олий ўқув юрталарининг илмий ҳамкорлигини ривожлантириш, муайян соҳа олимларининг қўшма академик ва технологик тадқиқотларини қўлайитириш мақсадга мувофиқдир. Ион Илиеску Ислон Каримовнинг Ўзбекистон ва Руминия

халқлари бой тарихий, маданий ва маънавий меросга эга эканлиги, сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш зарурлиги ҳақидаги фикрларини маъқуллар экан, айниқса, маданий сайёҳликка эътибор кучайтириш фойдали бўлишини таъкидлади. Музокаралар якунида Ислон Каримов ва Ион Илиеску Ўзбекистон ва Руминия Президентларининг қўшма баёнотида имзо чекиди. Ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари Сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик ҳамда Дипломатик ва хизмат паспорти бўлган фуқароларнинг визасиз қатнови тўғрисидаги битимларни имзолади. Шундан кейин ўтган матбуот анжуманида ҳозиргача икки томон учун ҳам муносабатлар 12 ҳужжат билан мувофиқлаштириб келингани, яна қўллаб-қўзғатилган таъриҳий ҳараётда ёки маъқулланиш арафасида эканлиги таъкидланди. Ислон Каримов Руминияни Ўзбекистоннинг ишончли ва узоқ муддатли ҳамкори, деб билишини қайд этди. Ион Илиеску мулоқотлар сермазмун ўтгани ва фойдали бўлганини таъкидлаб, самимий қабул учун миннатдорлик

билдирди ва Ислон Каримовнинг Руминияга таклиф этди. «Дўрмон»даги тадбирлардан кейин Руминия раҳбарини Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов ҳамроҳлигида Олий Мажлисга ташриф буюрди. Ўзбекистон олий қонун чиқарувчи органи Раис Эркин Халилов билан суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, парламентларо алоқаларни кенгайтиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди. Руминиялик олий мартабали меҳмон пойтахтимиз марказидаги Хотира майдонида эрк ва тинчлик йўлида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтириб, «Мотамсаро она» ёдгорлиги пойига гул қўйди. Темирийлар тарихи давлат музейида Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи тарихий ашёлар, нодир экспонатларни кўздан кечириб, Фахрий меҳмонлар китобига дастхат битди. Шу билан Руминия Президенти ташрифнинг расмий қисми ниҳоясига етди.

Анвар БОБОВЕВ, ЎзА мухбири

БОЛАЛАРГА ГЛОБАЛ ТАЪЛИМ

Республика таълим марказида Канаданинг Глобал таълим халқаро институти (ГТХИ) мутахассислари билан биргаликда «Болаларга дўстона муносабат мактаблари» дастури доирасида «Глобал таълим» лойиҳасини амалга оширишга киришди. Лойиҳа мувофиқлаштирувчиси Ирина Носированинг таъкидлашича, у БМТ болалар жамоаси (ЮНИСЕФ) томонидан молиялаштирилмоқда. Лойиҳанинг мақсади болаларни келажак ҳаётга ҳар томонлама тайёрлашдан иборат, — деди И.Носирова «Туркистон-пресс» мухбирига. — Таълим тизимига интерактив ўқитиш усулларини киритиш зарур, шунда болалар машғулот жараёнида у ёки бу масалани муҳокама қилишга киришади. Шу йул билан уни ечишга уринади. Бу иш синфларни ишчи гуруҳларига бўлиш воситасида амалга оширилмақда. Унда утилган предметга болақ равишда турли мавзулар берилади.

2002 йилнинг июл ойидан бошлаб, ГТХИ мутахассислари билан биргаликда Ўзбекистон мактабларида интерактив ўқитиш усулларини ёйиш бўйича ўқитувчиларни тайёрлаш ишлари бошланди, — деди мувофиқлаштирувчи. — Шу мақсадда марказда семинар ўтказилди. Айни пайтда мутахассислар томонидан бошланғич ва юқори синф ўқитувчилари учун ўқув усулвий қўлланмалари тайёрланмоқда. Лойиҳа шунингдек, Қирғизистон, Қозғистон, Туркманистон ва Тожикистонда ҳам амалга оширилмақда. Жорий йилнинг сентябрь ойидан бошлаб ишлаб чиқилган усулларни Фарғона, Сирдарё, Хоразм, Андижон ва Тошкент вилоятлари, шунингдек Қорақалпоғистон ва Тошкент шаҳридаги 20 та умумтаълим мактабида жорий этиш режалаштирилмоқда. Лойиҳа 2004 йилда ўз ниҳоясига етади.

«Туркистон-пресс»

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ҲАМКОРЛИК

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази қошида ҳар ой анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Маънавий тарғиботчилари» навбатдаги гуруҳи ўқув бошланди. Унга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маънавият ва маърифат соҳасида дахлдор мутахассислар жалб этилган. Ун кун давомида улар билан Президент Ислон Каримов асарларида янги ҳаётга қўриш назарияси ва амалиёти, миллий истиқлол ҳақида, маънавият асослари, тарихига янгича муносабат, диншунос-

лик муаммолари, раҳбар маънавияти, нутқ маданияти, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш ва ҳуқуқий маданият асослари курслари бўйича Ф.Абдумажидов, С.Олимов, А.Мансуров, У.Уватов, З.Исомиддинов, М.Раҳмонов ва Б.Тошев каби мутахассислар машғулотлар олиб боради. Иштирокчилар пойтахтимиздаги Ўзбекистон тарихи, Темирийлар тарихи давлат музейлари ва бошқа диққатга сазовор маънавий-маърифий масканларида ҳам бўлишади. Рамзиддин АБИЛОВ

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

(Davomi. Boshi 1-betda)

XATIRCHIDA MAKTABLAR KUNI

Navoiy viloyati Xatirchi tumanida bo'lib o'tgan «Maktablar kuni»da tumanida ta'lim sohasi rivojiga yo'lida olib borilayotgan ko'pgina ijobiy ishlar qatorida ilm maskanlaridagi mavjud muammo va kamchiliklar muhokama etilib, ularni bartaraf etishning amaliy chora-tadbirlari belgilandi (Mazkur tadbirning to'liq tafsiloti bilan gazetamizning navbatdagi sonlarida tanishasiz).

SEMINAR

Respublika ta'lim markazida xalq ta'limi sohasi mutaxassislari, YUNESKO va boshqa jamaatchilik tashkilotlari vakillari ishtirokida bo'lib o'tgan seminar Xalq ta'limi vazirligi hamda YUNESKOning Osiyo va Tinch okeani mintaqasi mamlakatlari Bosh byurosi hamkorligida Kadrlar tayyorlash milliy dasturining ikkinchi bosqichida amalga oshirilishi lozim bo'lgan ilg'or pedagogik texnologiyalarni jarayonga keng tatbiq etish maqsadida tashkil etilgan jamaatchilik ta'lim markazlari faoliyati ko'rib chiqildi.

Демократик давлатларда ҳокимият тузилиши асосан қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлиниди. Бу учал ҳокимият ҳам бири бири билан узвий боғлиқдир. «Илсон организмидеги бирон аъзо ишламас, қолганлари тўхтаб қолганидек, ҳокимиятнинг ҳам бир бўғини бўлмаसा қолганлари ҳам фаолият юртда олмайдир», деб буқок француз мутафаккири Монтескье ҳокимият бўғинларига таъриф берган эди. Бу учал ҳокимият ичиде қонун чиқарувчи ҳокимият алоҳида ишонч тутади. Чунки, бу ҳокимият жамиятнинг барча соҳаларини тартибга солуви, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини белгиловчи қонунларни қабул қилади, давлатнинг юқори бошқарув органларининг мансабдор шахсларидан иш фаолияти юзасидан ҳисоботлар тинглайди. Қонун чиқарувчи ҳокимият турли давлатларда турлича (Халқ йиғини, Рада, Олий Мажлис, Конгресс, Бундестаг, Миллий йиғин ва бошқалар) аталса-да, лекин у умумтаъриф этилган бир ном, «Парламент» сўзи билан юртилади. «Парламент» сўзи («Parter» — гапирмоқ, «парламент» сўзлашадиган жой) аслида французча сўз бўлса-да, лекин ilk парламент Англияда ташкил этилган. Парламентнинг қадимги кўриниши Қадимги Рим, Афина каби давлатларда бўлган. Парламент — бу ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонунларни қабул қилдиган, ижро этувчи ва айрим юқори мансабдор шахслар устидан назоратни амалга оширувчи, халқнинг муқабил эркини ифода этувчи халқ вакилликнинг олий органидир. Парламент конституцияда белги-ланганидек, давлат юқори мансабдорларини тайинлайди, айрим мамлакатларда давлат Президентини сайлайди, ҳукуматни тайинлайди, давлат бюджетини тасдиқлайди, халқаро шартномаларни ратификация қилади ва ҳоказо. Парламентнинг шаклланиши унинг структурасига боғлиқ. Аслида парламент бир палатали ва икки палатали гуруҳга бўлинади. Бир палатали парламент депутатларини фуқаролар тўғридан-тўғри сайлайди. Икки палатали парламентнинг кўйи палатасини фуқаролар сайласа, юқори палатани эса шу давлат қонунчилиги бўйича тайинлайди (сайлайди). Кўйи палата аъзолари аслида депутатлар, юқори палата аъзоси эса сенаторлар деб аталади. Халқимиз ўз мустақиллигини қўлга киритган, жамиятнинг барча соҳаларида кенг ислохотлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон ўз олдига фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этувчи ҳуқуқий, демократик ва албатта фуқаролик жамиятини қуришдек ўта долзарб вазифани қўйди. Бунда биринчи ўринда давлат манфаати эмас, балки инсон, фуқаро манфаати қўйилади. Қонун самарали бўлиши учун уларни қабул қилувчи халқ ноиблари, депутатларнинг билим савияси профессионал даражада бўлиши, қонунларнинг қабул қилиниш жараёнини қизгин баҳслардан иборат бўлмоғи лозим. Шу мақсадда жамиятнинг барча жаҳаларидаги каби қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг бўлиши Олий Мажлисда ҳам кенг ислохотлар олиб борилмоқда. Юртимизда амалга оширилган эзгу ислохотлардан яна бири қонунчилик палатасига асосан сайлов округидан бир юз йигирма депутат кўп партиявийлик асосида сайланади. Сенатнинг 16 нафар аъзоси эса, адабиёт, фан, санъат, ишлаб чиқариш соҳасида ва жамиятнинг барча соҳаларида катта таърибага ва алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади. Шундай қилиб барча сенаторлар сони 100 нафарга етади. Қонунчилик палатасига эса барча сайлов округидан бир юз йигирма депутат кўп партиявийлик асосида сайланади. Қонунчилик палатаси депутатлари доимий равишда профессионал даражада фаолият кўрсатади. Сенаторларни бу йул билан сайлаш ва тайинлаш турли давлатларда амалиётда қўлланилгандир. Масалан, Францияда 321 сенатор ҳар бир де-

партаментдан коллегияда сайланади. У республиканинг ҳудудий коллективнинг вакиллари ташкилланади. АҚШда ҳар бир штатдан иккитадан, Бразилияда 3 тадан фуқароларнинг ўзлари тайинланади. Ямайка, Барбадос, Иордания каби давлатларда давлат бошлиқлари томонидан тайинланади. Ҳиндистонда ҳам бизнинг қонунчиликда назарда тутилгандай юқори палатанинг қўнчилик қисми штатларнинг қонун чиқарувчи органи томонидан сайлана, 12 нафари эса давлат бошлиғи томонидан тайинланади. Сенат ва қонунчилик палатаси депутатлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган, сайлов кунига қадар 25 ёшга кирган Ўзбекистон фуқароси бўлиши мумкин. Сенаторлар ҳам, қонунчилик палатаси депутатлари ҳам дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланиб, уларнинг мақоми қонун билан қўрилганда. Уларнинг ваколатлари қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда муддатидан илгари ҳам тугатилиши мумкин. Иккала палата ҳам қўшма ваколатга ҳамда бири мутлоқ ваколатга эгадирлар. Иккала палатанинг қўшма ваколатларига асосан қўйидагилар қиради: Ўзбекистон Республикаси Консти-

туциясини, қонунларни қабул қилиш, уларга ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш; Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш ва саноаси тўғрисида қарор чиқариш; Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш; Конституцияга биноан республика давлат бошқаруви ҳокимияти ваколатларини белгилаш; солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий этиш; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига асосан Республика Давлат бюджетини қабул қилиш; Республика Президентининг вазирлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқарув органларини тузиш ва тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш; Олий Мажлисининг Илсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва унинг ўринбосарини сайлаш ҳамда Республика Президенти тақдимига қўра Республика Бош вазири, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларни номзодларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш; Республика Президентининг зарурат ҳисоб бўлганда уруш ҳолати ҳамда фақулдада ҳолат жорий этиш тўғрисидаги Фармонларини тасдиқлаш каби Конституцияда назарда тутилган бошқа ваколатларга эгадирлар. Сенатнинг мутлоқ ваколатига Сенат, унинг қўмиталари раисларини ва ўринбосарларини, Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимига асосан Конституциявий суди, Олий ҳўжалик судини сайлаш; Ўзбекистон Республикаси Президентининг Республика Бош Прокурори ҳамда унинг ўринбосарларини ва Миллий ҳафсизлик хизмати раисини тайинлаш ва уларни лавозимидан овоз қилиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқ-

лаш; республика Президенти тақдимига қўра республика Табиғатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ва унинг ўринбосарларини, республика Марказий банки бошқарувининг раисини; республиканинг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ва уларни лавозимидан овоз қилиш; республика Президентининг тақдимига қўра амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш; республика Бош Прокурорни, Табиғатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси, Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботларини тинглаш; сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан Сенат қарорларини қабул қилиш қиради. Қонунчилик палатаси мутлоқ ваколати эса сенат ваколатига қараганда торроқ. Улар жумласига қўйидагиларни киритиш мумкин: Қонунчилик палатаси Спикери (раиси) ва унинг ўринбосарларини, қўмиталарнинг раислари ҳамда ўринбосарларини сайлаш; сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан Қонунчилик палатаси қарорларини қабул қилиш ва бошқа қонунда назарда тутилган ваколатлар.

ни сайлашади. Қўрида эиқр этганимиздек, фақатгина қонунчилик палатаси депутатларига камда тўққиз кишидан иборат фракция ва бошқа гуруҳларга бirlaшиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатали тизимда ўз фаолиятини бошлагандан сўнг қонунлар қўйидаги тартибларда қабул қилинади. Қонунчилик ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 82-моддаси ҳамда Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисидаги қўшма мақолатига асосан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг 27-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон давлат ҳокимиятининг олий органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суди, Олий суди, Олий Ҳўжалик суди ҳамда Бош прокурорни чиқиси мумкин. Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритилган, Спикер уни дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун Маъсул қўмитани белгилайди. Дастлабки кўриб чиқиш натижалари бўйича маъсул қўмита қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритиш учун киритган (шахс)га қайтариш бўйича палата Кенгаш олдига қўлади. Агар қўрилатган қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Қонунчилик палатаси Регламентига мос келмаса, Кенгаш қонун лойиҳасини уни киритган органга қайтариши мумкин. Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини ҳудди ҳозирги тартибда қабул қилади. Қонун қабул қилингандан сўнг ўн кундан кенчиктирмай Сенатга юборилади. Қонун сенатга келганидан кейин Сенат раиси уни дастлабки кўриб чиқиш учун маъсул қўмитани белгилайди. Ҳулосани олгандан сўнг Сенат қонунни муҳокама қилиб, уни маъқуллаш ёки рад этиш бўйича қарор қабул қилади. Қонун сенаторлар умумий сонининг кўпчилиги овози билан, агар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ёки конституциявий қонунлари ва уларга киритилган ўзгариш, қўшимчалар бошқа масалалар юзасидан палаталарнинг келишувига биноан ҳам ўтказиш мумкин. Қўшма мажлисда эшитилган масалалар юзасидан палаталарнинг қўшма қарори қабул қилинади. Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини олиб бориш (қонунчилик палатаси), палаталар муҳокамасига киритилдиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда палаталар томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун палаталар шаклландан сўнг уларнинг ваколатлари муддатига ўзларининг орасидан раис, унинг ўринбосари ва аъзоларидан иборат таркибда ўз қўмиталари-

ни ишлаб чиқиш учун алоҳида-алоҳида Сенатнинг ҳар бир эътирозини кўриб чиқади. Келишув комиссияси иш натижаларига асосан ҳулоса қабул қилинади. Келишув комиссияси ҳулосасини олган қонунчилик палатаси уни ўн кун ичиде кўриб чиқиб, қарор қабул қилмоғи даркор. Келишув комиссияси таклифлари қабул қилинса, қонунчилик палатасида қонун олдига тартибда қабул қилиниб, Сенатга юборилади. Сенат томонидан рад этилган қонунни қайта кўриб чиқишда қонунчилик палатаси уни келишув комиссиясининг тахририда қабул қилмаса ва Сенатнинг қонунни рад этиш бўйича қарорига рози бўлмаса, қонун аввалги қабул қилинган тахрирда овозга қўйилиб, қонунчилик палатаси депутатларининг ундан икки қисми маъқулласа, у Олий Мажлис томонидан қабул қилинган ҳисобланади. Сенат томонидан мақулланган ёки қонунчилик палатаси томонидан қайта кўриб чиқилиб қабул қилинган қонун имзоланиши ва эълон қилиниши учун ўн кун ичиде Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади. Қонун ўттиз кун ичиде имзоланиб, эълон қилинади. Ушбу қонун бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг эътирозлари бўлса, у Олий Мажлисга қайтарилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайтарилган қонун қонунчилик палатаси томонидан қайта кўриб чиқилиб, қўйидаги қарорлардан бири қабул қилинади: қонунни бундан кейин кўриб чиқмаслик; қонунни Ўзбекистон Республикаси Президенти таклифларини инобатга олган ҳолда қабул қилиш; қонунни аввалги ҳолида маъқуллаш. Ундай ҳолда депутатларнинг ундан икки қисми маъқулласа, Сенатга маъқуллаш учун юборилади. Сенат эса уни маъқуллаш ёки рад этиш бўйича қарор қабул қилади. Сенаторлар ушбу қонунни овоз ички қисмдан иборат кўпчилик ҳудди билан маъқулласа, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ўн тўрт кун ичиде имзоланиши ва эълон қилиниши даркор. Иккала палата ёқуд улардан бирон-таси, палаталар таркибиде уларнинг нормал фаолиятига тахдид солувчи ҳал этиб бўлмайдиган иштилофлар юз берганда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид қарорлар, бир неча бор қарорлар қабул қилган тахдидда, иккала палата ўртасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг нормал фаолиятига тахдид солувчи хал қилиб бўлмайдиган иштилофлар юз берганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциявий суд билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида тарқатиб юборилиши мумкин. Лекин фақулдада қўмиталарда палаталар тарқатилиши мумкин эмас. Палаталар тарқатилган тахдирда янги сайлов уч ой мобайнида ўтказилади. Парламентимизнинг икки палатали бўлиб фаолият юритиши депутатларимиздан янада фаолроқ, билим савияси профессионал даражада бўлиши тақозо этади. Улар томонидан қабул қилинаётган қонунлар фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя этиб, ҳаётга самарали таътиб қилинади, биз шакллантиришмоқчи бўлган фуқаролик жамияти сари қўйилган катта қадамлардан бири бўлур эди.

Тўлқинбек НАБИЕВ, Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети 5-курс талабаси

Qonun va fuqaro

ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ САРИ

«Халқни буюк келажак ва улғувор мақсадлар сари бираштиради, мамлакатимизда яшайдиган, милаати, тили ва динидан қатъий назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан бахт-саодати учун доимо масъулия сезиб яшашга чорлаш, аждодларимизнинг бепохо мероси, миллий қадрияти ва анъаналаримизга муносаб бўлишига эришиш, юксак фазилатли ва қомил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчанлик ишларига ҳавас қилиш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш — миллий истиқлол мафқурасининг бош мақсади».

И.КАРИМОВ

Таркиб топаётган истиқлол мафқураси кўпмиллатли Ўзбекистон халқининг озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу-интилошлари, ҳаётий идеаллари каби эзгу гояларни ўзида акс эттиради. Хурматли Президентимиз таъкидлаганидек, «Ўзининг ҳаётини, олдинга қўйган мақсадларини аниқ тасаввур қила оладиган, ўз келажиги ҳақида қайғурадиган миллат ҳеч бир даврда миллий гоя ва миллий мафқурасиз яшамаган ва яшай олмайдди». Мафқура бўлмаса, ҳар қайси давлат ва жамят, қолаверса, ҳар қайси инсон ўз йўлини йўқотиши мумкин.

Юксак фазилатли ва қомил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчанлик ишларига йўналтириш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш миллий истиқлол мафқурасининг бош мезони экан, демек, бу соҳада таълим тизими соҳаси ходимлари олдида улкан вазифалар турибди. Бундай шарафли вазифани адо этишнинг мақбул усулларини топиш, унга назокат билан ёндашиш ҳар бир таълим ходими ва ўқитувчининг бурчидир. Бу борада Президентимиз шундай дейди: «Ҳозирги мураккаб шароитда халқимиз, аввало, ўсиб-ўниб келаётган ёш авлодини оғи ва қалбиди мафқуравий имунитет ҳосил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ишни бамисоли ёш ниҳолга мевали дарах куртагини пайванд қиладиган уста борбондек назорат ва меҳр билан, оқилона йўл билан амалга ошириш лозим».

Маълумки, 2002—2003 ўқув йилида умумий ўрта таълим мактабларининг 5-, 6-, 7-, 8- ва 9-синфларида она тили ўқув фани «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида ишлаб чиқилган давлат таълим стандарти, янги дастур ва янги ўқув режаси асосида ўқитилмоқда. Барча синфлар учун шу дастурга мос янги «Она тили» дарсликлари (Муаллифлар — Х.Неъматов, А.Ғулломов, Н.Махмудов, М.Қодиров, М.Абдураимова, Р.Сайдуллаева) нашр қилинди. Мақсуд дастур ва дарсликларида она тили машғулотларини миллий истиқлол гоёси асосида ташкил этиш, ўқувчиларни мустақил ва ижодий фикрлашга ўргатиш энг муҳим вазифалардан эканлиги ҳисобга олинган.

«Она тили — миллий маънавият ва мафқура, миллий рух, маданият ва қадриятларнинг улкан хазинаси», «Она тили — миллат тафакқурини шакллантирувчи, ривожлантирувчи ва ифодолувчи энг асосий восту» жумлалари янги дастур ва дарсликлар концептуал асосларини белгилашда масаланинг нақадар долзарблигини кўрсатади.¹ «Она тили — миллатнинг руҳидир. Ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзининг жудо бўлиши мукаррар», дейилади И.Каримовнинг «Fidokog» газетаси муҳбири саволларига берган жавобларида. Чунони, ўрта умумий

таълим тизимидаги фанлар орасида миллий мафқура гояларини ўқувчиларга сингдиришда ўзбек халқи миллий руҳини ўзида мурасам этган «Она тили» фанининг алоҳида ўрни бор.

Ўзбек халқи бой маданият меросига эга. Бу мерос чуқур инсоний қадриятлар, маънавият омиллари, маърифий-маънавий тамойиллар негизиди шаклланган. Ана шундай тенгсиз мерос соҳиби ҳисобланган ёш авлодини билимий, илмий салоҳият руҳида тарбиялаш давр талабига айланади. Республикада қадрлар тайёрлаш Миллий дастурига асосланган таълим тизими ҳар томонлама етук, баркамол инсонни тарбиялаш, вояга етказишга йўналтирилган. Бу борада бир қатор тадбирлар олиб борилмоқда. Шулардан бири, қолаверса, асосийси дарслик, қўланмаларни замон талаблари асосида янгилашдан иборат эди.

Халқимиз эришган миллий истиқлол ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида ўзгариш ясади. Воқеаликка, ҳар қандай жараёнга бўлган муносабат ўзгарди. Воқеаликдаги юзаки, муайян асосига эга бўлмаган замонасозликлар ҳеч қандай мантиққа эга эмаслигидан йўқолиб бормоқда. Жумладан, айрим дарсликлар, қўланмалардаги сохта қодалаштиришлар, ёндашувларнинг мантиқсизлиги очик-ойдин кўришиб қолди. Шунга ўхшаш нуқсонларни бартараф этиш мақсадида аниқдан дарслик ва қўланмалар яратилмоқда. Ходисаларнинг янги, ҳолисона талқин этилиши, қодаларнинг янги, илҳам ҳолатига келтирилиши маданиятимиз тарихида муҳим аҳамият қасб этган дарслик, қўланмалар учун асос бўлиб қолмоқда. Бу тарздаги ўзгаришларнинг негизи миллатнинг мустақиллигига бориб тақалади. Худди шу маънода она тили фанидан 5-, 6-, 7-, 8-, 9-синфлар учун чиқарилган янги дарсликлар алоҳида қийматга эга. Ушбу дарсликларнинг афзалликлари қуйдагиларда намоён бўлади:

- қодалар ҳодисаларнинг моҳиятини тўлиқ ёритишга қаратилганлиги;
 - матнларнинг миллий қадрият, анъаналарни эъозлашга йўналтирилганлиги;
 - олинган билимлар замон талаблари асосидаги тест синовлари орқали кузатиб борилиши;
 - қоида, мисол, изоҳларнинг ажратиб берилиши, керакли ўринларни таъкидлаш маззуни ёритиш ва ўзлаштиришда муҳим аҳамиятга эга.
- Мустақиллик даврида яратилган 5-9-синфлар «Она тили» дарсликларида миллий мафқуравийнинг асосий гоялари: Ватан раънақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, қомил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тоҳувлик, диллараро самимий муносабат шунингдек, миллий истиқлол мафқурасининг тарихий, фалсафий ва иқтисодий асослари ҳамда унинг миллий ва умуминсоний таълимийлари масалалари ҳисобга олинган ва дарсликлар бу олижаноб гояларни ўқувчилар онгига сингдиришга қаратилган

бир қанча матнлар, суратлар ва мисоллар билан таъминланган.

Буларни ҳар бир синф дарслиги мисолида кўрсатиб ўтадим.

5-синф «Она тили» дарслиги² «Ўзбекистон Республикасининг Давлат маданияти» (4-бет) матни билан бошланади. Ундан сўнг тилининг ижтимоий вазифини, моҳиятини ифодалаб берувчи «Тил ва жамят» матни (5-бет), сўнг тил, нуқт ҳақидаги ўзбек халқ мақоллари ва ҳикматли сўзлари (6-бет) жойлашган. Бу матн ва мақоллар орқали ўқувчи тилининг жамят ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида, нуқт одобини сақлаш ҳақида маълумотларга эга бўлади.

Дарсликда ўзбек тилининг фонетик тизими ва сўз бойлигини ўзлаштиришга бағишланган маззуларга боғлиқ равишда халқимиз ўтмиши, улуг аждодларимиз тўғрисидаги маърифий матнлар ҳам берилган. «Алишер билан булбул» (18-бет), «Амир Темур ўғити» (24-бет), «Илм ва амал» матнлари шулар жумласидандир.

Меҳнатсеварлик ва яратувчанлик — ўзбек халқининг миллий хусусиятларидан бири. Бундай хислатни

бўлса, «Энг хушбўй хид» (92-бет) матнида халқимизда эъозланувчи ном мадҳи, «Керакис ўт» (100-бет) матнида Ибн Синонинг табиятдаги ҳар бир нарса-нинг боғлиқлиги ҳақидаги фикрлари, «Ранглар жило-» (135-бет) матнида Ўзбекистон худудидидаги тарихий обидаларда кўланган ранглар жилосининг бетакорлиги, «Оламшумул кашфиёт» (143-бет) матнида ватандошимиз Аҳмад Фарғонийнинг араб рақамлари тизимини мукаммаллаштиришга қўлган улкан хиссаси тараннум этилади. Мирзо Улугбек ҳақидаги (169-бет) матн эса улуг олим ва адолатли шоҳ ҳақида эслатма беради.

Булардан ташқари, машқлар учун танланган жумлалар (мисоллар) тарихий ва бадий асарлардан олинган бўлиб, истиқлол мафқурасига мос келади, ўқувчилар таълим-тарбиясига хизмат қилади.

7-синф «Она тили» дарслиги⁴ «1-сентябрь» Мустақиллик куни байрам тасвири ва ўқувчиларни бу байрам билан қутловчи матн билан бошланади. Кейинги саҳифаларда «мустақиллик», «истиқлол» тушунчаларининг моҳияти, бу улуг неъмат халқимиз-

бизга нима берди?» маззуида маъруза матни тайёрлаш ҳақидаги топширик мустақиллик неъматларини борасида фикр юритишни мақсад қилиб қўяди. Ўқувчининг истиқлол туғайли нимага эришганларимиз ҳақида тасаввур ҳосил қилишга ўргатади.

Абдусайд Кўчимовнинг «Ватан ягонадир» шеърини Ватанинг бетакорлиги, муқаддаслиги, бебаҳолиги, тенгсизлиги ҳақида. Ватанининг инсон ҳаётидаги ўрни, қадр-қиммати шеърнинг мисраларда мадҳ этилган.

16-машқда берилган «Ўзбекистон — Ватаним» маззуида иншо ёзиш ҳақидаги топширик ўқувчилар маънавиятини бойитишга хизмат қилади. Ўқувчи Ўзбекистон, унинг поён-сиз сарҳадлари, гўзал боғ-роғлари, қир-адирлари, ер ости хазиналари, ер усти бойликлари ҳақидаги тасаввурларини ифодалашга интилади. Фикрлаш жараёнида Ватанга муҳаббат, юртга садоқат туйғулари шаклланади.

17-машқда берилган «Давлатимиз мадҳияси» Ўзбекистон тароватини мисралар моҳоналигида ўқувчи шуурига сингдиришга хизмат қилади.

ларнинг қутқуларига учраганлиги (грек, араб, мўғул, рус истилолари назарда тутилган) ва эндигина озодлик шамоли миллат боши узра ялов бўлиб қил-пирраётгани ёркин чизги-ларда ифодаланган. Шеър «Сафаринг бехатару» Хизр бўлсин йўлдошинг» деган сатрлар билан тугалланади, бу миллатимизнинг дуони олтиндан қиммат билиши («Олтин олма, дуо ол!»), тарихи давомидидаги эътиқодлари (Хизр — тўғри йўл кўрсатувчи, раҳнамо), олис манзилни кўзлаганлиги ҳамда юрт фарзанди (шоир)нинг халқига, миллатига, Ватанига бўлган самимий муҳаббати, тилаклари муҳасаммадир.

Ватанга, миллатга меҳр-муҳаббат туйғулари бутун дарслик бўлимлири давомидида сезилиб туради. «Қўшма гап» маззусини мустаҳкамлашга қаратилган 17-машқда берилган «Чул бахори» матнида юрт гўзаллиқларидан бир лавҳа намоён қилинган. Бу ўлка-да бир қарашда кўрмисиз-да туюлган чўлларнинг ҳам ўзгача тароватга эга эканлиги, ўзида бетакор гўзаллиқни жо қилганлиги тасвирланган. Қўшма гап-

ларни содда гаплардан ажратиб ёза бошлаган ўқувчи «жала қуйган вақтдаги офтобнинг нур сочи-» холатидаги гўзалликни шуурда ҳис қилгандек бўлади...

Она юртга бўлган самимий муҳаббат, қувонч, фахр туйғулари «Сурок гаплар» маззусини мустаҳкамлаш учун келтирилган «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?» шеърда кулминацион даражада ўз ифодасини топган.

«Ватанга меҳр-муҳаббат гимни»га айланган бу шеър ҳар бир ўзбекининг, ўзини шу миллат вакили санаган ҳар бир фарзанднинг қалб изхоридир. Она юртга бўлган тенгсиз меҳр, самимий муҳаббат Абдулла Орипов маҳорати орқали мисралар қатига сингдирилган. Лирик қахрамон «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?» деган саволни қўяди ва жавоб бериш асосида юртни гўзаллиги, бойликлари, тенгсиз табииати учунгина севиш кечил-тир бўлмас хато эканлиги тилга олинади. Ватанга муҳаббат инсонга она сути билан ўтвучи бетакор туйғу бўлиб, туғилиб-ўсган ер, жой тисмолида юракка қо бўлади. Дунёда барча ер, ҳамма тупроқ тенг яратилган, аммо ҳар ким учун Ватан тупроғи бебаҳодир, демокчи бўлади шоир.

Юрт меҳри аждодларга бўлган муҳаббат орқали уйғуланиб кетади. Негачки, юртни камол топтиришда, миллатнинг маънавиятини юксалтиришда донимшадан, аллома аждодларнинг ўрни беқиёс. Ёш авлодга аждодларимизнинг ибратли жиҳатларини кўрсатиш, фазилатларини тасвирлаш, ҳаётий тажрибаларини ёритиш

таълим тизимида ижодий аҳамият касб этади.

«Аниқловчи тобе гапли қўшма гап» маззусини мустаҳкамлаш учун берилган 99-машқдаги «Аждодлар ибрати» матни соҳибқирон Амир Темурнинг ўзбек халқи тарихида тугган ўрни ҳақида хикоя қилади. Унда Амир Темур шахсиятидаги инсоний фазилатлар, унинг миллатни камол топтириш йўлидаги сай-ҳаракатлари, истиқлол ҳақидаги орзу-уйлар акс этган. Бу матни ўқир экан, ўқувчи мустақиллик халқимизнинг азалий орзуси эканлигини юракдан хис этади. Соҳибқирон васият сифатида қолдирган инсонийликнинг уч хислати эса, матнда таъкидланганидек, мустақил юрт бунёдкорлари ҳисобланган хизматқўшлар: инсонпарварлик, мушоҳадалилик, оқилпарварлик, ҳаёт зарурий фазилатлар сифатида инсон шахсиятининг муҳим қирраларидан бўлиб келмоқда.

Китобнинг «Ёзма ишлар учун матнлар» бўлимида берилган «Абу Наср Форобий», «Шарафли бурч», «Бирини кессанг, ўрни эк» сарлаҳли матнларда ҳам аждодларимизнинг бебаҳо фазилатлари ўз ифодасини топган.

Тил — миллатнинг мавжудлик белгиси. Ҳар миллатнинг тили бўлса — у тирик, Тилсиз ҳеч битта халқ миллат бўлмайди.

Тил — миллатнинг аъло неъматидир буюк — Тили бор экан, то миллат ўлмайди.

Тилда халқнинг, миллатнинг ўзлиги, орзу-армони, урф-одат, қадриятлари муҳасаммад. Тил халқнинг асрлар оша босиб ўтган ҳаёт йўлининг бетакор ойнаси сифатида кимматлидир.

Дарсликнинг 1-машқда дунё тиллари ҳақида маълумот берилиши ўқувчиларнинг тилга оид қарашларини, тасаввурларини кенгайтиришга хизмат қилади. Дунё тилларининг ранго-ранглиги, турли тилларнинг тараққийёт даражаси ўзига ҳис тарзда намоён бўлганлиги, тилларнинг шаклланиши ва ривожланиши, тил оилалари ҳақидаги билим қўнимлари раво услубда баён қилинган. 2-машқда «Туркий тилларнинг шахара дарахти» берилганлиги ўзбек тили мансуб бўлган туркий тиллар оиласи ва ундаги турли тиллар борасида батафсил маълумот беради. 3-машқда келтирилган «Туркий тиллар тармоғи ва ўзбек тили» матни юқоридаги маълумотларни тўлдирдишга хизмат қилган.

6-машқ матни эса «Тилларнинг тенглиги ва ҳамкорлиги» ҳақида. Унда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакат ҳудудидидаги барча тилларнинг тенглиги ва эркинлигини таъминлаш таъкидланган. Ўзбекистон Республикаси ўз худудидида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одат, анъаналарини ҳурмат қилинишини амалга ошириши, уларнинг ривожланиши учун шароит яратиб бераётгани қайд этилган.

Эркин Воҳидовнинг «Она тилим ўлмайди», Миртемирнинг «Она тили» шеърларида тилга бўлган

¹ Қаранг: «Таълим тараққийоти». 1999, 1-маҳсул сон, 64-бет.

² Х.Неъматов, А.Ғулломов, М.Қодиров, М.Абдураимова. «Она тили» (5-синф учун дарслик). Т.: «Ўқитувчи», 2002.

³ Х.Неъматов, А.Ғулломов, М.Қодиров, М.Абдураимова. «Она тили» (6-синф учун дарслик). Т.: «Ўқитувчи», 2001.

⁴ Х.Неъматов, А.Ғулломов, М.Қодиров, М.Абдураимова. «Она тили» (7-синф учун дарслик). Т.: «Ўқитувчи», 2001.

⁵ Х.Неъматов, А.Ғулломов, Н.Махмудов, Р.Сайдуллаева, М.Абдураимова. «Она тили» (8-синф учун дарслик). Т.: «Ўқитувчи», 2001.

⁶ Х.Неъматов, А.Ғулломов, Н.Махмудов, Р.Сайдуллаева, М.Абдураимова. «Она тили» (5-синф учун дарслик). Т.: «Ўқитувчи», 2002.



шарафловчи халқ нақллари, мақол ва ривоятлари кўп. Дарсликдаги «Иттифок» (69-бет), «Ота касби — давлат касби» (114-бет), «Инсон кўли» (117-бет), «Билимлар занжири» (12-бет) матнлари халқимиз миллий руҳига монанд меҳнатсеварлик, яратувчанлик гояларини тараннум қилади. Булардан ташқари, дарсликнинг сўнгидида ило-ва қилинган «Нуқт ўстириш учун матнлар» бўлимидаги парчалар ўқувчиларни тўғрилиқ, халоллик, дўстга садоқат, ота-онага хурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Шунингдек, дарсликда тилга оид билимларни эгаллаш маққули учун танланган мисоллар халқимиз миллий руҳини, тарихан шаклланган мафқурасини, маънавияти ва маданиятини, илмий ва диний қарашларини акс эттиради. Мисолларни илмий-лисоний жиҳатдан изоҳлашда, таҳлил қилишда уларнинг маърифий ва ғоявий жиҳатларига эътибор қаратиш лозим бўлади.

6-синф «Она тили» дарслиги⁵даги истиқлол шарофати билан давлат тили мақомига эга бўлган она тилимиз ҳақидаги «Давлат тили» (4-5-бетлар), унинг халқ тили сифатида узоқ тарихга эгаллиги тўғрисидаги «Ўзбек тили илдизлари» (5-6-бетлар), унинг бойлиги ҳақидаги «Алишер Навоий ўзбек тили хусусида» (43-бет), халқимизнинг исм танлаш удумини ифодолувчи «Исм ҳам хус» (80-бет), жой номларига ижтимоий-тарихий воқеаларнинг акс этишига бағишланган «Жой номлари — тарих муҳри» (84-бет) матнлари тил ва жамят, тилда миллий руҳ ва мафқуравий акс этиши масалалари бағишланган

нинг асрий орзуси эканлиги очиб берилган. Дарсликдаги «Чин дугона» (5-бет) матнида — ўзбекнамо одоб, ўзаро беғариз ёрдан руҳи тасвирланади, «Билимлар хазинаси қалити» (6-бет) матнида кўп тил билишининг аҳамияти, «Махмуд Замахшарий» (8-бет) матнида юртдошимиз бўлган бу машур олимнинг араб оламидаги шухрати, «Абдурауф Фитрат» (55-бет) матнида шоир ва олимнинг халқимизга қилган улкан хизматлари, «Имом Исмоил Бухорий» (67-бет) матнида бу улуг зотнинг ислом оламидаги шон-шавқати, «Соҳибқирон» (118-бет) матнида марказлашган давлат ва тараққий этган жамят тарафдори Амур Темурнинг тавсифи акс эттирилган. Дарсликдаги «Инсоний ҳаёт» (30-бет), «Уғдумиш ва Узғурмиш» (39-бет), «Тил одоби» (67-бет), «Тўғрилиқ» (71-бет), «Ривоят» (109-бет) матнларида халқимизнинг одоб-ахлоқ, тўғрилиқ, халоллик, эзгулик ва меҳнатсеварлик ҳақидаги қарашлари ўз ифодасини топган.

Булардан ташқари, дарсликда миллий урф-одатларимиз, қадриятларимиз, буюк аждодларимизга оид гоялар акс этган жумлалар маққулар таркибидида ҳам берилган.

Дарсликларда берилган матнларнинг маънавий-маърифий аҳамияти эътиборга молик. Буни **8-синф** дарслиги мисолида ҳам кузатиш мумкин. Дарсликда келтирилган бадий матнларни қуйдаги маззуларга умумлаштириш мумкин:

Ватанга, халққа, миллатга меҳр-муҳаббат туйғулари йўғотишга қаратилган матнлар.

«Сўз бирикмасида сузларнинг бирикши усуллари» маззусида оид 21-машқда келтирилган «Она юрт соғинчи» матни «Ватан нима ўзи?!» деган саволга жавоб беради. Муаллиф Турсунчи Содикова «Ватан» тушунчасини нозик, сермаъно жумлаларда ифодалаган.

«Тасвирий ифода» маззусида берилган «Ватанимиз бойликлари» матни ўқувчи қалбидида фахр-ифтихор туйғуларини уйғотишга қаратилган.

Она тилини эъозлаш, миллий тилини қадрлаш туйғуси «Тилимизнинг имкониятлари» матнида, «Зук-колар ўйини» — она тили асосидаги баҳсада ўз ифодасини топган.

Инсоний фазилатларни улуглаш гоёси «Муҳофот ва жазо», «Хунармандлар мактаби», «Нима эксанг, шуни ўрасан!», каби матнларда акс эттирилган.

Миллий қадриятларни улуглаш, тарихий анъаналарни эъозлаш, «Наврўз ҳақида афсона» матнида ҳамда «Алишер Навоий номидаги Миллий богда» маззуидаги иншо топширигида муҳасамланган.

9-синф «Она тили» дарслиги⁶ Абдулла Ориповнинг «Эрк ҳақи» деб номланган шеърини бошланади. Бор-йўғи 16 мисрадан иборат бўлган шу биргина шеърда она юртимизнинг қадимий, қўнча масканлардан эканлиги, ўзбек халқининг серстандизлиги, хаттоки мустақиллик сари ҳам ўйлаб қадам ташлаганига ва бу қадамнинг эрк ҳақида ичилган муқаддас қасам эканлиги фахр билан тилга олинган. Ўзбекининг ҳеч бир кимсага ёмонлиқни раво қўмаслиги, оққўнгиллиги, шуни қарамасдан қўлаб ганим-

ларни содда гаплардан ажратиб ёза бошлаган ўқувчи «жала қуйган вақтдаги офтобнинг нур сочи-» холатидаги гўзалликни шуурда ҳис қилгандек бўлади...

Она юртга бўлган самимий муҳаббат, қувонч, фахр туйғулари «Сурок гаплар» маззусини мустаҳкамлаш учун келтирилган «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?» шеърда кулминацион даражада ўз ифодасини топган.

«Ватанга меҳр-муҳаббат гимни»га айланган бу шеър ҳар бир ўзбекининг, ўзини шу миллат вакили санаган ҳар бир фарзанднинг қалб изхоридир. Она юртга бўлган тенгсиз меҳр, самимий муҳаббат Абдулла Орипов маҳорати орқали мисралар қатига сингдирилган. Лирик қахрамон «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?» деган саволни қўяди ва жавоб бериш асосида юртни гўзаллиги, бойликлари, тенгсиз табииати учунгина севиш кечил-тир бўлмас хато эканлиги тилга олинади. Ватанга муҳаббат инсонга она сути билан ўтвучи бетакор туйғу бўлиб, туғилиб-ўсган ер, жой тисмолида юракка қо бўлади. Дунёда барча ер, ҳамма тупроқ тенг яратилган, аммо ҳар ким учун Ватан тупроғи бебаҳодир, демокчи бўлади шоир.

Юрт меҳри аждодларга бўлган муҳаббат орқали уйғуланиб кетади. Негачки, юртни камол топтиришда, миллатнинг маънавиятини юксалтиришда донимшадан, аллома аждодларнинг ўрни беқиёс. Ёш авлодга аждодларимизнинг ибратли жиҳатларини кўрсатиш, фазилатларини тасвирлаш, ҳаётий тажрибаларини ёритиш

Ўқитувчиларнинг фарзандларимиз таълим-тарбияси йўлидаги изланишларини рағбатлантириш ва шу аснода илгор иш тажрибаларни оммалаштириш борасида ҳар йили анъанавий тарзда бўлиб ўтадиган «Йил ўқитувчиси» курик-танловининг аҳамияти катта. Яқинда ушбу курик-танловнинг 2003 йилги республика босқичи иштирокчиларини аниқлаш мақсадида пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур тумани Халқ таълими бўлими томонидан туман ўқитувчилари орасида энг муносибни аниқлаш учун танлов ўтказилди. Қизилқалъа ва жазоибали ўтган бештадан энг кўп балл тулган 180-мактабнинг «Миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари» фани ўқитувчиси Нейла Холиқова биринчи

ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛОВЧИ МЕЗОН

уринга муносиб, деб топилди. 167-мактабнинг информатика фани ўқитувчиси Нодира Ҳошимова ҳамда 20-мактабнинг мусиқа фани ўқитувчиси, танловнинг энг ёш иштирокчиси Нодира Йўдошова ҳамда 34-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Гулнара Пулатова ҳам 3-уринини эгаллашди.

Нодира НАЗАРОВА, ўқитувчи.

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов тумани Халқ таълими бўлими томонидан ҳам «Йил ўқитувчиси—2003» курик-

танловининг туман босқичи ўтказилди. Унда ўқитувчилар нафақат билими, саводли, фидойи устоз эканликларини, балки яхши қўшқич, ажойиб раққоса, уста созанда, моҳир режиссёр ҳам эканликларини намойиш қилдилар.

«Йил ўқитувчиси — 2003»

ШАҲАР НОМЛАРИНИ ҚАНДАЙ ҲАРФЛАР БИЛАН ЁЗАМИЗ?

Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги 287-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Дилшога Бобмуродованинг ўқитувчилик фаолиятини бошлаганига кўп бўгани йўқ. Каттақўрғон шаҳридаги педагогика билим юрти ва СамДУ педагогика, бошланғич таълим методикаси факультетига олган сабоқлари, излашулари тўғрисида тезда моҳир муаллима, илгор ўқитувчилик мазоли сазовор бўлди. Дилшога ҳар бир дарсда ўз мақсадига эришадиган, турли усуллардан фойдаланиб, ўқувчилари ёдига қоладиган мазмунли дарслар ўтишга ҳаракат қила-

ди. Математика дарсларида ҳам ўқувчиларга мақол, топшиқлар айтиштириб, ўқувчиларини мустақил фикрлашга ўргатади. Топшиқлар ва масалаларни бойчечак, лола каби чиройли, аммо оддий қовоздан гуд билан тайёрланган кўргазмалар воситалар орқали топширадиган, болалар лола сайлида юргандек кайфиятга уларни тез бажарадилар. Изланувчи, ижодкор муаллимнинг она тилидан 1-синфда ўтказилган бир соатлик дарси ишланмасини бошланғич синф ўқитувчиларига услубий ёрдам сифатида беришни лозим топди.

Бош ҳарф билан бошланадиган сузлар.

ДТСга кура дарсининг таълим мақсади: ўқувчиларнинг кичик ва бош ҳарфлар ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш; ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш қобилиятини устириш.

Тарбиявий мақсади: ўқувчиларни она-Ватанини севиш, табиятни ардоқлаш, тежамкорлик, машҳур алломаларга ҳурмат руҳида тарбиялаш.

Ривожлантирувчи мақсад: ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқ малакаларини, она тили фанига бўлган қизиқишларини ошириб бериш.

Дарсининг жиҳози: маззуга оид расмлар, машҳур алломалар сурати, харита, магнит доска, тарихий шаҳарлар акс эттирилган рангли кургазмалар куруллар.

Ҳар бир дарсни навбатчининг ҳисоботини тинглаш билан бошлайман. Сунга "Сирли сандик" ичидаги "олтин танга"ларни курсатиб, ўқувчиларга маош олишлари мумкинлигини айтаман. Бунинг учун улар саволларга жавоб беришлари лозим.

- Ҳозир улкамизда қандай фасл?
- Баҳор.
- Баҳор фаслида қайси ойлар бор?
- Март, апрель, май.
- Баҳорда табиат қандай кийим кияди?
- Яшил.
- Баҳорда қандай байрамларни нишонлаймиз?
- Навруз байрамини.
- Қачон?
- 21 мартда
- Баҳорда яна қандай байрамлар бор?
- Онажонлар байрами.
- 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

Ўқувчилар ручка, дафтар, қалам, сумка, чойнак, пёла каби сузларни айтиб, улар иштирокида гап тузиб утилган маззун мустаҳкамлаб олганларидан сунг янги маззуга утаман.

— Болажонлар, сизларни 3 гуруҳга буламан, ҳар бир гуруҳ узига ном танлаши мумкин.

Болалар "Чакқонлар", "Алпо-

Sinab ko'ring

миш", "Севинч" гуруҳларига бўлинадилар.

"Чакқонлар" гуруҳи туман, маҳалла, куча номларини, "Алпомиш" гуруҳи кишиларнинг исм-фамилияси, ҳайвонларга атаб қўйилган номларни, "Севинч" гуруҳи шаҳар, дарё, океан номларини айтдилар. Сунг уларга бундай номлар бош ҳарфлар билан ёзилишини тушунтирдим. Ёзма нутқ малакаларини шакллантириш учун ўқувчиларга синф тахтасига бош ҳарфлар билан ёзиладиган шаҳар, туман, исм, ҳайвонларга атаб қўйилган номлардан 3-4 тасини ёздирдим. Қайси гуруҳ аъзолари саводли ва чиройли ёза олиб беришди.

Уйини яна қуйидагича давом эттириш мумкин. Кургазмада атоқли отлар аралаш ҳолда жойлаштирилган. Олапар, Тинч океани, Мош, Шаҳло Усмонова, Лутфий кучаси, Сирдарё, "Ватан" маҳалласи, Лайло Азизова, Чилонзор тумани, Турткул, Хоразм.

Гуруҳ аъзолари бу сузларни тезда одамларнинг исмлари, ҳайвонларга атаб қўйилган номлар, туман ва маҳалла номлари, дарё ва океан номлари, шаҳар номлари каби устунларга

Ўқувчилар: — Самарқанд, Бухоро, Хива, Қуқон.

— Улар нима учун қадимий дейилади?

— Сабаби, Бухоро, Самарқанд шаҳарларининг ёши 2500 йилдан ошиб кетган. Бу ерда тарихий обидлар кўп.

— Бу шаҳар номларини қандай ҳарфлар билан ёзамиз?

— Бош ҳарфлар билан.

Шундан сунг ўқувчиларга бу қадимий шаҳарлардаги тарихий ёдгорликлар, мадраса ва миноралар суратлари, рангли расмларни курсатаман. Она Ватанга ҳурмат, муҳаббат уйғотаман.

Ўқувчиларнинг зукколигини синаш учун яна бир топшиқ бераман. Синф тахтасида ёзилган мана бу сузларнинг маъносини тушунтириг. Нега 2 та бир хил суз 2 хил куринишда ёзилган?

омон-Мошон-Омон баҳмал-Баҳмал лола-Лола райхон-Райхон

Ўқувчилар биринчи устундаги сузлар нарса-буюм, гул номи, иккинчи устундаги сузлар ҳайвонларга атаб қўйилган ном, одамларнинг исми, жой номи эканини айтиб, қоида чиқарадилар.

Шунга ухшаш азиз-Азиз, зафар-Зафар, доно-Доно каби сузларни айтиб, оғзаки гап тузадилар.

Дарс давомида гуруҳ аъзоларига тарқатилган "олтин танга" лар ҳисобланади ва улар сонига қараб ўқувчиларга балл қўйилади, голиб гуруҳ рағбатлантирилади.

Унга бош ҳарф билан ёзиладиган 10 та суз топшиш ва гап тузиш вазифа қилиб бери-

Mulohaza

Бола учун орқиқиб қўйилган кун келиб у мактабга қатнай бошлайди. Синфда, мактабда бўлаётган ҳар бир ҳаракат унга қизиқarli, улардан бола ўйин унсурларини ахтаради. Чунки у ҳали ўйинқароқ, ўқувчи бўлиб тўлиқ шаклланмаган.

Бошланғич синфларда ўқувчиларнинг ўйин фаолиятини ўқиш фаолиятига диққати бердан бўладиган дидактик жараён эмас. Бироқ бу икки фаолият ўртасига "Хитой девори"ни қўйиб ҳам бўлмайди, чунки боланинг ўйин фаолиятида ўқув элементлари, ўқув фаолиятида эса ўйин элементлари мавжуд. Шунинг учун олддин ўйнаб, кейин ўқиймиз ёки олддин ўқиб, кейин ўйнаймиз, дейиш дидактик нуқтаи назардан тўғри эмас. Чунки бошланғич синфларда ўйин билан ўқиш бир-бири билан уйғунлашгандагина қўйилган вазифа керак. Кузатишлар шуни кўрсатадики, дидактик ўйинлар билан ўқитилган дарсларда ўйин яқинига кўра, фаол ўқувчилар моддий ва маънавий рағбатлантирилиши лозим. Акс ҳолда бундан кейинги шундай машғулотларга уларнинг қизиқишлари сусаяди, дарс самарадорлиги пасайиб кетади. Масалан, ўқитувчи қўшни синфдан шифрланган хат келганлигини, бу шифрни очиб билан хат мазмунини маълум бўлишини ва агар берилган бир қанча сонли мисоллар тўғри ечилиб, жавоблардаги рақамлар ўрнига керакли мос ҳарфлар қўйилса, шифр очилиши ва хатнинг мазмунини келиб чиқишини айтиди. Бу ўйиндан 3-ёки 4-синфларда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ўқувчилар хатнинг мазмунини билиш учун жуда қизиқади. Шу боис улар амалларини қизиқиш билан тўғри ва тез ишлашга ҳаракат қилишади. Чунки ақалли битта мисол но-

ЎЙИН ВА ЎҚУВ ФАОЛИЯТИ УЙҒУНЛАШГАНДА...

фани муваффақиятли, ижобий ҳол қилиш мумкин. Бунинг билан ўқишга яқинда келган боланинг ўқув фаолиятини тўғри ташкил қилган бўламиз. Бошланғич синфда математика фани материалларини ўқувчилар онига синдиришда бирор таълимий мақсадга бўйсундирилган ўйинлар — дидактик ўйинларнинг аҳамияти жуда катта.

Дидактик ўйинлар ўқувчиларнинг дарсдаги фаолиятини оширади, хотираларини ривожлантиради, математика амалларини тез ва тўғри ишлаш кўникмаларини шакллантиради, энг муҳими, ўйин ёрдамида бажарилган ишлар ўқувчиларни эриктирмайди, уларни чарчатмайди.

Математик материалларнинг таълимий ва тарбиявий характери қараб ўқитувчилар томонидан дидактик ўйинлар танланади ёки ўйлаб топилмади.

Дарсда ёки дарсдан ташқари машғулотларда қўлланиладиган ўйинлар ҳар бирининг мазмунини, ўйин қоидаларини ўқувчиларга ўқитувчи томонидан батафсил тушунтирил-

тўғри ечилиш ҳам шифр очилмаслигини билладилар. Бунда улар мисолларни ишлаш давомида бир-бирларини кузатиб, мисолларнинг тўғри ишланганини назорат ҳам қилиб борадилар.

Математик масалаларни бундай жамоа бўлиб ишлаш уларда бир-бирига нисбатан ушқоқлик, бирдамлик ва ҳамжиҳатлик хусусиятларини ривожлантиради.

Математик машғулотлар учун ўйин танланганда, унинг қандай дидактик масалага бўйсундирилганлигини катта эътибор бериши керак. Ўйин болалар учун фақат эрмакка, бефойда вақт ўтказишга айланб қолмаслиги лозим.

Ўйинда бош маслаҳатчи сифатида қатнашаётган ўқитувчининг ўйинни бирор дидактик мақсадга бўйсундириши, уни бошқара олиш маҳорати ишининг янада самарали бўлишини таъминлайди.

Р. ТУРСУНОВА, Пастдаргом туманидаги 17-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Ш. СИДИҚОВА, СамДУ талабаси

РАҚС САНЪАТИ БИЛИМДОННИ ХОТИРЛАБ

Куни кеча Марказий зобитлар саройида ўзбек рақс санъати билимдони, "Лазги" ашула ва рақс ансамбли асосчиси, Ўзбекистон халқ артисти Гаҳвар Раҳимова хотирасига бағишлаб кеча ўтказилди. Кечада Ўзбекистон халқ артистлари Коммуна Исмоилова, Саодат Қобулова, Яйра Абдуллаева, Ортик Отажонов, таниқли шоир Искандар Раҳмон, устоз санъаткорнинг бир гуруҳ шогирдлари ўз устозлари билан боғлиқ хотираларидан сўзлаб беришди.

— Гаҳвар опа Раҳимова нафақат буюқ санъаткор, балки ўз шогирдларига онадек меҳрибон устоз ҳам эдилар, — деб эслади К.Исмоилова, — барча шогирдларига ҳам кўнглининг, ҳам уйининг тўридан жой бериб, вояга етказган камтарин инсонни ҳеч қачон ёдимиздан чиқармаймиз.

Кечада шунингдек, устоз санъаткорнинг ўзи асос солган ва сахналаштирган "Лазги" ансамблининг ашула ва рақслари юксак маҳорат билан ижро этилди.

МУХБИРИМИЗ

O'qituvchiga yordam

Ҳар бир халқнинг ўз тарихи, адабиёти, миллий аънаналари, урф-одатлари мавжуд. Бизнинг халқимиз ҳам узок тарихга, бой маданият меросига, қадимий аънаналарга эга. Сўз бойлигимиз ҳам қадимий меросларимиздан бири саналади. Уни ўрганиш учун эса ўзбек тилининг қадимий ибора ва сузларини кўпроқ билиш лозим.

Ҳозирги кунда ҳам бадиий адабиётлар, халқ оғзаки ижоди, дарсликлар, шеърый мисраларда учраб турадиган бундай сузларни ўқувчилар онига синдириш биз ўқитувчиларнинг вазифамиздир. Бу ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш ва ўзи ўқийдиган асарларни тўлиқ англашга ёрдам беради. Шу боис ҳозирги кунда қўлланиладиган метр, километр, литр, грамм, килограмм, центнер, тонна каби сузлардан ташқари халқимиз ўтмишда масса, ҳажм, узунлик, юза ўлчовлари учун қандай сузлардан фойдаланганлиги ҳақида тўхталмоқчимиз. Бу ўлчовлар бўлган ҳудудларда, минтақалар ва миллиятларда ҳар хил юритилган. Асосийси — бу ўлчовлар ҳамма ҳам ишлати олишини ҳисобга олган ҳолда яратилган.


Бу ўлчовларни юритиш учун бармоқ, қулоқ, кадам, бизни ўраб турган нарсалар асос қилиб олинган. Қуйида ўтмишда қўлланилган ўлчов бирликлари билан ҳозирги бирликлар орасидаги фарқ хусусида сўз юритилади:

- 1 бармоқ — 2,18 дан 2,28 сантиметрча, (ўрта бармоқнинг энгига мос узунликдир). Бошқача номи — ангушт. Голланд тилидаги — дюйм ҳам катта бармоқ маъносини англатади: 1 дюйм = 2,54 см.
- 1 газ (алчин) — 61 см. дан — 102 см. га.
- 1 мил Россияда 7467,6 метрга тенг.
- 1 карич — 19-21 сантиметр.
- 1 қулоқ — 142 см. дан — 167 см. га.
- 1 кадам — 63-71 см, 1 фут (инглиз тилидан — оёк — маъносидан) — 30-48 см. ни ташкил қилади.
- 1 чакчим — 1066 метр, 1 фарсах (тош) — 9000 қадамдан 12000 қадамгача бўлган узунликдир.
- Юзани ўлчаш учун ўлчов бир-

лиги сифатида — таноб сўзидан фойдаланилган. Таноб — томонларнинг узунлиги 60 гадан иборат бўлган квадратнинг юзи. 1 таноб — Хоразмда 4037-4097 м², Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарёда 2731-2845 м², Фарғона, Тошкентда 1821 м² ни ташкил этган. Суюқликларнинг ҳажминини ўлчашда қуйидаги бирликлардан фойдаланилган: 1 баррель (инглиз тилидан — бочка — маъносидан) — 159 литр.

- 1 чирпит — 3 литр. Бундан ташқари, суюқликларнинг ҳажминини ўлчашда шиша идишлар, коса, товоқлардан фойдаланилган.
- Массани аниқлаш учун қуйидаги бирликлар қўлланилган: 1 мискол — Хоразмда 4,53 — 4,55 грамм, Бухоро ва Қашқадарёда — 4,8 грамм, Самарқандда — 4,46 грамм, Фарғона водийсида 4,55 граммдан иборат бўлган. 1 арпа — 0,01 мисколга тенг бирлик.
- 1 ботмон — Фарғона, Самарқанд, Қашқадарёда — 131 кг, Тошкент маззесидан 170-172 кг. Хоразмда 20 кг. ни ташкил этган. Ай-

ИХЧАМ ҚЎЛЛАНМА



Умумтаълим мактабларининг 9-синф ўқувчиларига 2002-2003 ўқув йили учун илк бор тақдим этилган адабиёт дарслигини қўлга олган муаллимлар бироз шошиб қолишди. Уларни ихчам бу дарслик ўқувчини қаноатлантирадими, 9-синф ўқувчиларига аввал 11-синф ўқувчилари ўрганиб келган "Утган кунлар", "Кеча ва кундуз", "Қутлуғ қон" романлари, Албер Камьюнинг "Бегона" қиссаси қийин эмасмикан, деган фикрлар уйлантириб қўйди.


Буни тўғри тушунган дарслик муаллифлари Наим Каримов, Бахтиёр Назаров, Умарали Норमतов, Беғали Қосимов, Суннат Аҳмедовлар ўз вақтида ўқитувчилар учун методик қўлланмани ҳам тайёрлаб бердилар. Муаллифлар 9-синф "Адабиёт" дарслигидан ўрин олган ёзувчилар ва уларнинг энг яхши асарларини мактабда ўрганиш тажрибасидан самарали фойдаланиш билан бирга, янги педагогик технология мезонларига ҳам амал қилганлар. Улар асосий эътиборни халқ оғзаки ижодидан "Алпомиш" достонига, мумтоз адабиёт намояндалари Навоий, Бобур, Машраб, Оғахий,

Фуркат газалларига, XX аср адабиётининг ийрик вакиллари Чўлпон, Ойбек, О.Ёқубов, А.Орипов асарларига, жаҳон адабиётининг дурдона асарлари "Шоҳ Эдип", "Асра татиғулик кун" каби-ларга қаратиб, уларни ўқувчиларга етказиш йўллари ҳақида услубий тавсиялар беради.

Ўқитувчи китобига В.Шекспирнинг "Ҳамлет", А.Пушкиннинг "Евгений Онегин" асарларини ўрганиш учун тавсиялар берилмаган, сабаби бу асарлар тўғрисида ўнлаб китоб, рисола ва мақолалар мавжуд. Қолаверса, ўқитувчиларнинг методик тажрибалари етарли. Худди шунингдек, "Қириш" ва "Миллий маънавият, бадиий адабиёт ва ёшлар" мавзусига ҳам методик тавсиялар берилмаган. Зеро, мустақиллик даврида ёш авлодга илм-фан асосларини ўргатаётган ўқитувчилар бундай мавзуларни мустақил ўқитиш ҳуқуқига эгадирлар.

O'qituvchilar sizlar ushun ҲАР БИР БЎЛИМ УЧУН АПОҲИДА ДАРС

9-синф "Физика", ўқитувчилар учун методик қўлланмаси Азизжон Усупов, Нарзиқул Турдиевлар томонидан тайёрланган. У 4 бўлимдан иборат бўлиб, "Молекуляр физика ва термодинамика асослари", "Оптика", "Атом физикаси асослари", "Коинот тузилиши ҳақидаги тасаввурлар"га оид дарсларнинг режасини узига муможамас қилган. Ҳар бир дарсининг мақсади, материаллари, жиҳозлари, масалаларнинг ечилиши, тест намуналари, қизиқarli тажрибалар, олимпиада тестлари ҳам қўлланмада ёритилганки, бу ўқитувчи учун ниҳоятда зарур ва фойдалидир. Дарсининг блок-схемасида дарс босқичлари, унга сарфланиладиган вақт ҳам курсатилган. "Ақлий ҳужум", савол ва топшириқларни қачон, қай тарзда утказиш юзасидан маслаҳатлар берилган.



Бу қўлланма ўқитувчиларга мазмунли дарс утишда, ёш мураббийларга эса дарс режасини ёзишда, ишини тартибли, режали ва изчил олиб боришда асқолади. Шунингдек, "Турли ҳароратдаги сувларни аралаштирганда иссиқлик миқдорини таққослаш", "Фотозфферқ ҳодисасига асосланб ишлайдиган ярим ўтказичли асбоб ишлатишни ўрганиш" мавзусидаги лаборатория ишларини утказиш, унинг қисқача мазмунини, "Саволларга жавоб бериш", "Қўшимча материаллар", ҳар бир бўлим дарсларини таҳминий режалаштириш хусусида йўналишлар ҳам қўлланманинг аҳамиятини оширган. Ёзма назорат иши утказиш, рефератлар ҳимоя қилиш, тест асосида синов, шахсий тажрибалар утказиб, ёзма равишда ёритиб бериш кабиларни ташкил қилиш, чоракларни яқунлаш учун тестлардан намуналар келтириш қўлланманинг узига хос фазилатидир.

Ушбу иккала методик қўлланма ҳам "Маънавият" нашриёти томонидан нашрга тайёрланган.

Маҳмуда ВАЛИЕВА

рим жойларда ботмон сўзи манн деб юритилган.

Бундан ташқари, 1 гичча — 168 грамм, 1 даҳсар (ботмоннинг 1/4 қисми), ўнимсар (ботмоннинг 1/16 қисми), чорак ёки дўнимсар (ботмоннинг 1/64 бўлаги), 1 қадоқ — 409,5 грамм, 1 қоп — 65-66 кг, 1 пуд — 16,38 кг, 1 пайса — 50 грамм, 1 дирхам 3, 1-3,6 грамми ташкил этган.

Заргарлик буюмларини баҳолаш ва ўлчашда — қарат (1 қарат — 0,2 грамм) ишлатилган.

Ёғоч, тахта, ўтинларни ўлчашда саржин — (бўй) 3 газ, эни 1,5 газ, баландлиги 0,5 газ) сўзи ишлатилган.

Баён этилган фикрларни умумлаштирган ҳолда шуни айтиш мумкинки, маданий меросимизни ўрганиш ҳам ўқувчиларнинг баркамол авлод бўлиб етишишига хизмат қилади. Бунинг учун уларни кўпроқ мустақил фикрлашга ўргатишимиз лозим. Бу борада синф тарбиявий соатларида қадимий ўлчов бирликларини ўрганишга доир суҳбатлар уюштириш катта ёрдам беради. Бу суҳбатларда ўқувчиларга ўзи яшайдиган воқеада ўтмишда қўлланилган ўлчов бирликларининг номини ишлаш ва уларнинг маъносини ўрганишни топшириш, кейинги соатларда эса ўқитувчи томонидан умумлаштириш катта фойда беради, деб ўйлаймиз.

Абдужалил ОТАНИЁЗОВ, Сувоп АСРОРОВ, Касби туманидаги 20-мактаб ўқитувчилари



— 24 май — битирувчи ака ва опаларимиз учун "Сунги кўнгирик" байрами. Саволларга пухта жавоб берган ўқувчиларга "олтин танга" бераман. Сунг магнит доскадаги ёзувга ўқувчилар эътиборини тортмаман.

Синфда чиройли гуллар бор. — Булбул чаманин севар, одам Ватанини. Ҳисобини билган ҳамёндан айрилмас. Қани, болажонлар, гаплардаги нарсабуюм номларини топинг-чи! — Гул, чаман, ҳисоб, ҳамён. — Жуда яхши, улар нарсабуюмларнинг номи бўлгани учун кичик ҳарфлар билан ёзилади, яна шундай кичик ҳарфлар билан ёзиладиган сузларни биласизми?

ажратиб ёздадилар. Утилган дарсини мустаҳкамлаш учун Ўзбекистон харитаси ёрдамида 12-машқни бажарираман. Ўқувчилар Ўзбекистоннинг йирик шаҳарларини номини ёзиб харитадан курсатани дилар.

1-синфда албатта "Дам олиш дақиқаси" утказилади. Бу ёздиқ, биз ёздиқ, Қуларимиз чарчади. Энди бирга тураимиз, Қулда қарсақ чалаимиз. Оёқни дупиллатиб Бармоқни очиб-ёпиб, Сунгга тез утираимиз, Давомини ёзамиз. Ўқитувчи: — Республикаимизда қандай қадимий шаҳарлар бор экан?

лади. 1-синфларда куп ёздиршиш, маззунни тушунтириб бериш, машқларни бажартириш билан мақсадга эришиб булмайди. Уларни гуруҳларга булиш, қизиқarli ўйин усулларидан фойдаланиш, фикрини аҳилликда, биргаликда ҳимоя қилишга ўргата бориш ижобий самара беради. Суҳбат, савол-жавоб ўқувчини мустақил фикрлашга ўргатади. Бошланғич синф пойдевори мустаҳкам бўлса, юқори синфларда муаммо бўлмайди. Зеро, пойдеворига қараб бинонинг мустаҳкамлиги аниқланади.

Дилшога БОБОМУРОВОВА, Акмал Икромов туманидаги 287-мактабнинг 1-тоифали бошланғич синф ўқитувчиси

O'rnak

Йиллар давомида кузатганим: аксарият кутубхоналарда ҳаёт сокин кечади. Бу ердаги хизматчилар мулойимлик билан паст овозда, назорат билан сўзлашадилар. Назаримда кутубхонада даҳо ёзувчиларнинг дунёни забт этган боқий сўзининг руҳлари кезиб юргандай...

Кутубхонадаги стендларнинг биринида шеърнинг мулқининг султони Мир Алишер Навоий ҳазратларига ҳурмат-эҳтиром рамзи акс этиб турибди. Жаҳонғашта шоир ва шоҳ Заҳриддин Муҳаммад Бобурга ажратилган жой киши диққатини ўзига тортади. Президентиамизнинг рисолалари дид билан таллаб кўйилган. Вақтли матбуот нашрларидан эъло қилинган маърузаларини ҳам алҳудда кўзга ташланади.

Аслида бу ерга республикамизда чоп этилаётган адабий-оммабон журналлардан бирини мутулаа қилиш истагида келгандим.

БОЛА БОҒЧАНИ СОҒИНАДИМИ?

Эрталаб ишга отланаётганимда кўчада ўғил-қизиними, набирасини боғчага олиб бораётган қўшинларга дуч келаман. Аксарият ҳолларда болакайлар "боғчага боймайман" деб тихирлик қилаётган бўлади. Шунда беихтиёр ўйланаб қоламан. Болакайларнинг шундай тихирлик қилишига ким ва нима сабаб? Кичкинтойларнинг кўнглига йўл тополмаётган айрим боғча оналари? Хар ҳолда болакайларнинг оёқ тираб, хараша қилиши бежиз эмас. Ана шу саволга жавоб топиш мақсадида "Жиззах туманидаги бир неча мактабгача таълим муассасаларида бўлди.

Умид" номли 18-МТМ мослашган бинада жойлашган. 240 ўринга мўлжалланган маъзур масканда 80 нафар бола тарбияланмоқда. Нега бола кам, деган саволимизга мудира Манзура Зокирова атрофимизда бошқа боғчалар ҳам бор, деб жавоб берди. Боғчада олиб борилаётган ишлар билан танишдим. Тайёрлов гуруҳи ва катта гуруҳларда машгулот бўлаётган экан. Гуруҳларда бола-лар кам. Тарбиячиларнинг айтишича, таътил кунларида бола-лар қариндош-уруғлариникига бориш учун жавоб олишган экан. Тарбиячиларнинг машгулотга тайёргарлик даражаси юқори эмас. Уларга 5 ўқувчи методик таъсия ва курсатmalar етказиб берилмаганлиги сезилиб турибди. Гарнанд, жамоада таърибаси оммалаштирилган, малакали тарбиячилар бор бўлса-да, барча гуруҳларда иш бирдек ташаббускорлик, изланувчанлик билан олиб борилаётганини сезмадими.

4-Лола" номли МТМ ҳам шу атрофда жойлашган. 8 та гуруҳда 159 нафар бола тарбияланапти. Жамоа асосан экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўналишидаги ишларга эътиборини оширмоқда. Шу мақсадда бола-ларнинг табиятга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш асосий вазифа қилиб қўйилган. Боғча қўшимча дармад топиш йўлида ҳам изланмоқда. Маъзур ўрқирок, галландан олинган дармад боғчани тазмир-лашга иштилоқлади.

Сиз бирор марта «Меҳрибонлик уйлари» деб аталувчи жойларга борганмисиз? Биласизми, меҳрибонлик уйларидаги болалар сизу бизнинг фарзандларимиздек хандон отиб қулишмас, қий-чув кўтариб ўйнашмас экан. Назаримда, уларнинг қаблари синикдай...

дундан кичик болалар. Шундан 9 нафарининг отаси ҳам, онаси ҳам йўқ. 60 нафар болаимиз ўғай ота, 22 нафари ўғай она зулмидан қочиб, бизга келишган. 2 нафар болаимизнинг ота-оналари ташлаб кетган, 2 нафар болаимизнинг оналари нотинч, яъни ота-оналари алкоғол ва наркотикларга берилиб кетганлар. Таъин 13 нафар болаимизнинг ота-оналари ногирон.

— Хўш, нима дейсиз, тарбиячи ва муаллимларингиз ана шу кўнгли ўқис болаларнинг қабларини тушуна оладиларми? Уларни бўлар-бўлмагача қиймайдиларми?...

— Аввало, сизга шунга айтиш керакки, тарбиячи ва муаллимларингиз асосий қисмининг меҳрибонлик уйларида тарбияланганлар ташкил этади. Қолганлари ҳам меҳрибонлик уйларида тарбияланади. Шундан ўзим ҳам, шу ерда табий ҳаётимиз бўлиб ишлаётган умр йўлдошим Зайнабхон Ражабова ҳам худди мана шу меҳрибонлик уйларида катта бўлганми.

КИТОБ — ХАЙРАТ ДУНЁСИ

Кутубхоначи Мавлудахон Турғунова дарҳол ёрдамга келиб, ушбу нашрини ойма-ой чоп этилган сонларини муҳойб қилди. Журналда эъло қилинган ўзимга керакли матини топдим. Дарҳол ишим битди. Кейин менда шу муъжаз, аммо эъзуликча даҳлдор китоблар саройининг ибратли ишлари тўрғисинда ёзиш истаги туртибди.

Авалло, хонадаги тартиб-интизом, саранжом-сарихталлик, ҳар бир газета, журнал ва китобларнинг ўз ўрнида эҳтиётлик билан сақланиши мени ўзига жалб этди. Кутубхонанинг ёруғ ва шином ўқув залида эса бўла-жак шифокор йиғит-қизлар ўзларига керакли китобларни варақлашиб, алланарсаларни ёзиш билан банд эди.

Мавлудахон Турғунованинг зийрак, кенг билим соҳиббаси эканини унинг илғохларидан, у билан бўлиб ўтган сўхбатдан сезиш қийин эмас. Ёшлигиндан китобсевар, билимга чанқоқ бу қиз ўз орузи йўлида тиниб-тиничмади. У Тошкент маданият институти кутубхоначилик факультетига тахсил олган. Мана ўн бир йилдирки, Асака тиббий коллежиде кутубхонага моҳирлик билан раҳбарлик қилапти. Бу ерда ҳозир

— Китоб ўқийман деб, эзгу ният билан келган одамни ноумид қайтара олмаيمان, — дейди М.Турғунова. — Уларга истаган китобини топиб беришга ва бу ерда доимий мулкис қилиб олишга ҳаракат қиламан.

Коллеж муаллимларининг ўзи китоб шайдоси эканлигини айтмайсизми. 73 нафар ўқитувчининг кутубхонага аъзо эканлиги, коллеж директори, 1-даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳиббаси Салимхон Останкуллованинг ўзи бор борада жамоага ўрнат бўлаётгани бизни қувонтирди. Салимхон опа яқин икки ой ичиде ўнтага яқин китобни мутулаа қилган экан.

Бу ерда шоир ва ёзувчилар, олим ва санъаткорлар билан тез-тез учрашувлар бўлиб туради.

Китоб — хайрат дунёси, у — маънавий бойлик. Моддий бўлишда вафо йўқ, аммо маънавий бойлик ҳеч қачон инсонни тарқатадми. У хар бир кишини эргаклик, қомил инсон бўлишга етказлади. Ана шу маънавий бойликлар саройига қодим ранжиде қилган китоб шайдолик ҳавасим келди.

Абдулаҳад ўРМОҒОВ, Асака туманидаги 7-мактаб ўқитувчиси

Bolalar bog'chalarida

назорат қилиб бораепти. Тайёрлов гуруҳида 1-тоифали тарбиячи Жамила Умарова машгулот олиб боради. Гуруҳдаги бола-лар билан савол-жавоб ўтказди. Улар санок амалини қийналмай амалга оширишди. Алифбодига хар бир харфга аталган шеърларни ёддан айтиб беришди. Кискаси, ўғил-қизларнинг мактабга тайёргарлик даражаси кишини қувонтиради. Тарбиячиларнинг ишига масъулият билан қараб изланиш, янгилик яратиш илжини билан ишлаётганлиги бизни қувонтирди. Боғчадан қайтар эканмиз, ишласа бўлар экан-ку, деган фикр ўтди хаёлимиздан.

Бугунги кунда кўпчилиكنинг эътиборини қозонаётган 6-«Озода» номли МТМда ҳам бўлди. Боғчанинг асосий йўналиши — экология. Болаларни жонли табиятга нисбатан меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш — ҳамманинг диққат-эътиборида. Ерга ишлов бериш, даракт ва гулларни парварлашнинг қандай самара бераётганлиги. Бу борада, тўғриси, киши кўнглини кўтарадиган натижалар хали кам.

13-«Дилноза» МТМига киришимиз билан болаларнинг шўх-шодон кулгуси ва атрофдаги саранжом-сарихталлик эътиборимизни тортиди. Баҳорнинг қуёшли кун-

киришти. Алар табассум қилиб дедиларки, булар била ҳам бирмен. (Яъни, сен мени харорат этиб ишлатиб турган ўша сўзларинг билан, сен билан ҳам. — Б.Р.) Ул киши баъоят хижил бўлди ва қайтти. Шайх Рухнуддин Алоудавла дебдурак, менга анинг бу сўзи баъоят хуш келибдура.

Ривоятдан ойдиллашадими, ўз замониде Мавлоно Жалолуддин Румийнинг мухолофлари ҳам кўп бўлган экан. Умуман олганда, шайхлар, турли-туман қарашлар орасидеги ихтилоф қадим даврларда гоҳ қучайиб, гоҳ пасаийиб тургани маълум. Энг обрўйли шайхларни ҳам баъзан ҳақоратлаганлар, қалтаклаганларки, бу кейинги мақоламиз мавзусидир. Ҳозир ўша мунозаралар талқинига қайтасан.

Хўш, қандай асосга кўра Румий ҳазратлари шу хулосани илгари суради? Ҳақ

Ҳақ гап. Зотан, дунёни қандай яралган бўлса шундайлигича қабул этмоқ жоиз. Турлика динлар фаолият кўрсатаётган экан, демакки, бунинг сир-синаоти танҳо Ҳаққа аён. Бандасининг аъмоли эса таълим бўлмоқдир. Аммо, нега мунозара "гулхони" кўкка ўрлайверибди? Бунинг сабаби нафсга тақалади. Яъни "мен" лигини кўрсатиб қўйишга.

Табийки, хар нарсанинг ўз сабаби мавжуд. Яънашнинг сабаби эса, нафс. Инсон ёруғ олам гўзалликларига хунуқликларини кўради. Кўриб қизиқишини, яъни нафсини қондиради. Еб-ичади — таъм сезади, ошқонзон истагини бажо келтиради. Қовушади — яна нафс... Шу тариқа дунёга боғланади. Мабодо унинг ички табиятида нафс ҳукмронлик қилмаганида эди, яънашнинг қизиги қолмасди.

уст-боши бутун, кунига 5 маҳалдан овқатланишди. Овқатларининг сифати яъни, — дейди меҳрибонлик уйлари директорининг маънавият ишлари бўйича ўринбосари Ҳимоят Зоҳидова. — Барбир, болаимизнинг қаблари ўқисик. Биласизми, уларга ота-она меҳри етишмапти...

— Ҳа, бола учун ота-она меҳридан улуроқ нарса йўқ. Кўларни кўзумундек чиройли қизалоққа тикламан. Бунчалар чиройли қизча. Қоп-қора сочларини айтмайсиз-ми?

— Бу қизчамизнинг ота-онаси ташлаб кетган. Суд ҳам отасини, ҳам онасини ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилган, — дея сўхбатга қўшилиди меҳрибонлик уйлари директори Таштемир Сатторов. — Нима дейсиз, кимдир тирноққа зор. Яна кимдир гулдек фарзандингиз воз кечиб юрибди.

— Тарбияланган болалар ҳақида умумий маълумот бера-олиасизми? — деб сўради директордан.

— Албатта. Тарбияланувчи 108 нафар болаимизнинг 32 нафари қизлар. 101 нафар бола мактабимизда таълим-тарбия олишади. 7 нафари мактаб ёши-

уида катта бўлганми. Биласизми, мен меҳрибонлик уйларида тарбияланган болаларининг из-қўзларига қараганимда ўзимнинг болаимини кўраман...

Биз меҳрибонлик уйларида бўлган кунимиз тарбияланувчи қизлар билан бир гуруҳи ошхонада «тахта-ўқлов» қилишди, «тўппа» кесишбастанликларини, ана бир гуруҳи тандир қизитиб, нон ёпишди-ганликларини, ўғил болалар эса ерга ишлов беришу ўтин аралаш билан машгулликларини кўрдик.

— Болаимиз 9-синфни битирганларидан сўнг, уларни ўзлари танлаган касблар бўйича коллежларга жойлаштиришди, — дея давом этади Таштемир ака. — Коллежлардан таътил берилган кунлари эса уларнинг кўпчилиги Меҳрибонлик уйларида келишди. Болаларимизни шу ерда уйли-жоили қилишга ба бўлган маъсулият бизнинг зиммасида...

Биз болалар билан хайрлашди, орта қайтар эканмиз, директорнинг «қанда 10 нафар болаимизнинг қўлларини ҳаллолашди» деган гаплари беихтиёр ёдимга тушди. Бу болаларнинг оталари ҳам, оналари ҳам — шу азиз Ватандир.

Абдували ОБИДДИН, «Ma'rifat» мухбири

«Сўз ҳақиқатинг сояси...»

Жалолуддин Румий дейдики: «Сўз ҳақиқатинг сояси ва парчасидир... Модомики соя ўзига тортар экан, у ҳолда ҳақиқат янада яхшироқ жазб этади. Сўз баҳонадир. Бир инсонни бошқа бир инсонга тортар нарса сўз эмас, балки иккаловида мавжуд бўлган руҳий бирликдан бир парчадир... Агар бир инсон юз минг муъжиза ва қаромат кўрсатса, аммо унда валий ва набийга уйғун бир бўлак бўлмаса, бирлашмайдилар ва бунинг фойдаси ҳам йўқ. Уни валий ва набийга боғлаган, улар севгисини кўнглида орттирган нарса ўша умухта — ўртқ парчадир».

Демак, сўз — айти ҳақиқатининг ўзи эмас, балки бир оина. Ҳўш, шундай экан, одам сир-асрорини сўз орқали тўла тушунтирмақ мумкинми? Албатта йўқ. Кудди шу нуқтаи назардан қаралганда, тасаввуф илми — Ҳол. Ҳолни эса англатмоқ, шарҳламақ мушкул. Дунё ҳол билан тузалади. Гўзаллик Ҳолда акс этади. Дейлик, ўқувчи одоб-ахлоққа доир дурдона асарлар мутулаа қилди. Алишер Навоий, Машраб, Фузүлий, Бедил каби буюқ шоирларнинг инсонийликка, пок муҳаббатга доир китобларини берилиб ўқиди, ёд олди. Ҳўш, унинг характери ўша ҳикматлар ила танишиш баробарида ижобий томонга ўзгариб қолдими? Йўқ. Дунёқароши салгина боймоғи мумкин, холос. Негаки, у воситадан воқиф бўлди — сўзни ўқиди. Аммо ўзида руҳий бирлик сезмади. Ҳўш, унинг ўша буюқ шоирлар билан руҳий иттифоқни сезганида эса характерининг салбий жиҳатларини тамомила ўзгартирган бўлур эди...

«Сўз — идрок қилишда сўзга муҳтож бўлганлар учундир, — дейди Румий ҳазратлари. — Сўзсиз идрок этганинг сўзга қандай эҳтиёжи қолади? Идрок эта билгани учун кўпларнинг, ернинг ҳаммаси сўздир. Хафиф бир сасни эшитганга бакириб-чақирининг нима ҳолати бор? Дунё ҳам Куръондаги «Бўл» (унинг амри бўл демек эди. У ҳамон бўлди) сўзидан бини бўлгандир».

Сўфийлик тарикатида бир-бирини сўзсиз тушуниш — сомельлик ҳолати мавжуд. Яъни сўфийлар йиғилишиб, сукут сақлаб ўтирадидилар. Руҳан бирлиги боис фикрларини ўзаро қабул қилишади. Шундан лавазатланишади. Аксинча бўлса-чи? Улар руҳан иттифоқ бўлишмаса, баҳсу мунозара воситасида ҳам ягона тўхтама қелмаган бўлур эдилар. Дунёқароши ўзгача, тамомила бир-бирига эид икки одам қанча сўз сарфидан қатъий назар муросага қелолмайдилар. Чунки, уларнинг руҳияти, ҳоли бунга имкон бермайдми. Демак, сўзга катта умид боғлаш мантиқан тўғри эмас. Навоий ҳазратлари айтганидек, маъноларнинг дури жимликдадир. Ҳақни ашларга қараб танимоқдир:

Эй Навоий, сўзда маъни йўқтурур, маънида сўз, Дури маъни истар ўлсанг, айлагил гуфтор бас.

(Яъни: сўзда маънони тўла акс эттириб бўлмас, маънога сўз имкониятларини сиғдириш мумкин. Маънолар дури-ни истаган, гапиришни бас қил. Жим тур).

Бир воқеа ёдга тушади. Куръон илк бора ўзбекчага ўгирилган пайтлари катта даврада мунозара бошланиб қолди. Бир муаллим «Мен Куръонни ўқиб чиқдим. Баъзи жойларида бир-бирига қарам-қарши фикрлар бор экан» деди. Шу тариха баҳс қилиб кетди. Имом дўстимиз айтидики: «Ҳамма гап тушунишда. Бир сўзни у маънода ҳам, бу маънода ҳам тушуноқ мумкин. Аммо, энг асосийси, Оллоҳ қаломини ҳазмики нуқсондан холи деб ишонмоқ жоиз». Дарҳақиқат,

